

Йиллик ҳисобот 2020

UZB | ENG | RUS

2020



МУНДАРИЖА

Банк Кенгаши Раиси мурожаати	2
Банк Бошқаруви Раиси мурожаати.....	6
Миссия ва қадриятлар.....	10
Асосий кўрсаткичлар.....	12
Асосий молиявий натижалар.....	13
Трансформация.....	17
Стратегия.....	20
Кредит рейтинги.....	21
Макроиқтисодий муҳит.....	21
Банк сектори.....	24
Бизнес модель.....	28
Кузатув Кенгаши.....	35
Кузатув Кенгаши қошидаги қўмиталар.....	37
Банк бошқаруви.....	44
Банк бошқаруви қошидаги қўмиталар.....	46
Йирик битимлар.....	53
Акциядорлар таркиби.....	54
Риск менежмент.....	58
Комплаенс.....	59
Ходимларни бошқариш.....	63
Ҳазначилик.....	67
Корпоратив бизнес.....	70
Кичик ва ўрта бизнес.....	72
Green Banking.....	74
Чакана бизнес.....	75
Халқаро ҳамкорлик.....	77
Сотиш каналларини ривожлантириш.....	78
Шўба корхоналар.....	81
Иловалар.....	86
Контакт.....	98

Маъсулиятни чеклаш

Мазкур йиллик ҳисобот “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ (кейинги ўринларда Банк деб юритилади) томонидан тайёрланган бўлиб, ҳар қандай қимматли қоғозларни сотиш ёки чиқариш, тўғрисидаги таклифларни ёхуд Банк акцияларини ёки қимматли қоғозларни сотиб олиш, уларга обуна бўлиш, уларни жойлаштириш кафолатлари ёки бошқача тартибда харид қилишга нисбатан таклиф ҳисобланмайди.

Ушбу Ҳисобот, шунингдек, унинг бирор-бир қисми ва уни тақдим этиш ёки тарқатиш тўғрисидаги маълумотлар қандайдир шартнома ёки банк ҳамкорлари олдидаги мажбуриятларининг бошқа шаклларига кириш учун асос бўла олмайди ва қандайдир шартнома, мажбурият бўйича қарор қабул қилишда унга таяниш тавсия этилмайди.

Ушбу Ҳисоботда келтирилган маълумотлар прогноз хусусиятидаги баёнотларни ўз ичига олиши мумкин. Ушбу маълумотлар Ўзсаноатқурилишбанкнинг мақсадлари, қарашлари ва ҳамда кутилаётган баёнотларни ўз ичига олиши мумкин ва унинг фаолияти натижалари, молиявий ҳолати, ликвидлиги, истиқболлари, ўсиши, мақсадли кўрстакчилари, стратегияси ва соҳалари акс эттирилади.

Ўзининг табиатига кўра, ушбу баёнотлар таваккалчилик ва ноаниқлар билан боғлиқ, чунки улар воқеаларга алоқадор ва келажакда юз бериши ёки бермаслиги мумкин бўлган ҳолатларга бевосита боғлиқ бўлади.

Ҳисоботдаги баёнотлар келгусидаги кўрсаткичларнинг кафолати ҳисобланмайли ва ҳақиқий натижалар баёнотда ифода этилган ахборотлардан сезиларли даражада фарқ қилиши мумкинлиги тўғрисида Банк Ҳисобот ўқувчиларини олдиндан огоҳлантиради.

Ҳисобот ҳамда унда келтирилган маълумотлар ва хулосалар, мазкур Йиллик ҳисобот фойдаланувчилар эътиборига ҳавола этилаётган санага эълон қилинади ва улар ўқувчиларни олдиндан огоҳлантирмасдан ўзгартирилиши мумкин.

Банк, ушбу Ҳисоботнинг ўқувчилари ва/ёки фойдаланувчилари олдида бирор кўшимча маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқини тақдим этиш ёки ушбу Ҳисоботда аниқланиши мумкин бўлган ноаниқликларни янгилаш мажбуриятини ўз зиммасига олмайди.

Банк ва унинг аффиланган шахслари Ҳисоботда келтирилган ахборот ва хулосаларнинг ишончилиги, аниқлиги, тўлиқлиги ёки тўғрилигига кафолат бермайди, аниқ ёки назарда тутилган мажбуриятларни ўз зиммасига олмайди. Бундай шахслар Ҳисобот ёки унинг мазмунидан фойдаланиш натижасида бевосита ёки билвосита юзага келадиган йўқотиш ва зарарлар учун ҳеч қандай жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. Ушбу Ҳисобот ўз ўқувчиларига ва/ёки фойдаланувчиларига қандайдир баёнот бериш, унинг мазмуни бўйича баҳсларга киришиш ёки Банк ва/ёки унинг аффиланган шахсларига қарши қандайдир тарзда даъво қилиш ҳуқуқини бермайди.



Ҳурматли акциядорлар, инвесторлар, мижозлар ва ҳамкорлар!

2020 йил мобайнида Ўзбекистон банк-молия соҳасида рақамли трансформация ишлари фаол амалга оширилди ва бу эса ўз навбатида аҳоли томонидан катта мамнуният билан кутиб олинганлигига ҳаммамиз гувоҳ бўлдик.

Бунини бир томондан тижорат банклари тарафидан дунё банк бизнесини ўзлаштиришга йўналтирилган муқаррар жараён деб тушунсак, иккинчи томондан эса кутилмаган пандемия шароити тақозоси билан юзага келганлигини таъкидлаш лозим.

Дарҳақиқат, коронавирус пандемияси бутун жаҳон ҳамжамияти учун ўта оғир келди. Карантин туфайли иқтисодий инқирозга юз тутилиб, “иқтисодий таътил”лар эълон қилинди.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан ўз вақтида қабул қилинган муҳим қарорлар сабабли кўпгина тармоқлар қатори республика молия бозори ҳам катта талофатлардан сақлаб қолинди.

Хусусан, Банкимиз тизимида йил бошида Халқаро молия корпорацияси (ХМК) ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) мутахассислари билан ҳамжиҳатликда бошланган трансформация тадбирларининг 2-босқичи бўйича ишлар бир зум ҳам тўхтаб қолмади. Аксинча, лойиҳаларнинг аксарияти карантин шароитидан келиб чиқиб, ўз муддатидан аввал ҳаётга татбиқ этилди ва заруратга кўра яна бошқа янги лойиҳаларга ҳам қўл урилди.

Натижада Банк ҳукуматнинг энг ишончли ва самарали молиявий воситачиси эканлигини яна бир бор исботлади, ҳамкорлари ва мижозлари олдида эса, ҳар қандай шароитга мослашувчан, катта куч ва салоҳиятга эга Банклигини намойиш этди.

Трансформация жараёнида халқаро талабларга мос бўлган корпоратив бошқарув ва риск менежмент тизими яратилди. Бунинг учун Бош банкда Корпоратив бошқарув хизмати ҳамда корпоратив маслаҳатчи лавозими жорий қилинди. Банк Кенгаши таркибига 4 нафар мустақил аъзо қўшилди. Кенгаш ҳузурида 5 та янги қўмита (Стратегия, Тайинлаш ва рағбатлантириш, Йирик ва манфаатли битимлар, Таваккалчиликларни назорат қилиш, Аудит қўмиталари) ташкил қилинди.

Мижозларга йўналтирилган Банкнинг янги ташкилий тузилмаси жорий қилинди. Халқаро тажриба асосида ташкилий тузилмалар 5 та, жумладан, Корпоратив, кичик ва ўрта бизнес, чакана бизнес, Кредит, Операцион, Риск, Молия блокларига ажратилди. АҚШдаги йирик банкларда фаолият юритган юқори малакали мутахассис, ватандошимиз А.Ҳамидов Бошқарув Раиси маслаҳатчиси лавозимига ишга қабул қилинди.

Банкда илк бор Лойиҳа бошқаруви (РМО) фаолияти йўлга қўйилди. Ҳар бир бизнес йўналишларида мижозбай хизмат кўрсатувчи универсал ходимлар тайёрланди (RM).

Умуман олганда, Банк 2020 йилда ҳам ўз бозор мавқеини сақлаб қолиб, республика тижорат банклари орасида умумий капитали (6,7 трлн. сўм, ўсиш 2019 йилга нисбатан 7%га), жами активлари (49 трлн. сўм, ўсиш 2019 йилга нисбатан 34,8 %га баравар) ҳамда кредит қўйилмалари (қарийб 40 трлн. сўм, ўсиш 2019 йилга нисбатан 35%га) ҳажми жиҳатидан 2-ўринни эгаллади. Депозит базаси 2,4 трлн. сўмга ёки 1,3 баробарга ўсиб, 11,4 трлн. сўмни ташкил қилди (4-ўрин).

Ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан иқтисодиётда ижобий реал фоиз ставкаларини сақлаб қолиш, пандемия шароитида инфляцияни пасайтириш ҳамда иқтисодий фаолликни қўллаб-қувватлаш ўртасида мувозанатни таъминлаш мақсадида қайта молиялаштириш ставкаси икки маротаба пасайтирилди. Қайта молиялаштириш ставкасининг 16%дан 14% га туширилиши молиявий хизматлар бозорида кредит маҳсулотлари фоиз ставкаларининг пасайишига олиб келди. Шунга қарамай, банк кредит портфели ўртача фоиз ставкаси кескин камайишининг олди олиниб, 8,8% дан 8,9% га кўтарилди.

2020 йилда пандемия муносабати билан мижозларнинг молиявий ҳолати ёмонлашиши, фаолиятининг бир муддатга тўхташи банкда муаммоли қарзларни, айниқса, чакана кредитлар бўйича муаммоларнинг ўсишига олиб келди. Аммо шунга қарамай, Банк тизимида муаммоли қарздорликлар улуши NPL 1% дан оширилмади.

Молиявий режалаштириш ишларини автоматлаштириш йўналишида Германиянинг SAP компанияси дастури асосида молиявий прогнозлаштириш тизими ишга туширилди. CERT халқаро стандартлаштириш ташкилоти билан ҳамкорликда “антикоррупция” тизими йўлга қўйилди.

Чакана бизнес йўналишида ишлаётган барча ходимларни KPI тизими асосида рағбатлантирилиш жараёни амалга татбиқ қилинди. Банк томонидан янги хизмат турларининг жорий қилиниши ҳамда даромад келтирувчи активлар ҳажмини ўсиши ҳисобига банкнинг 2020 йилда даромад режаси 116%га, фойда режаси 101%га оширилди. 5,3 трлн. сўмлик даромад олинди ҳамда 798 млрд. сўмга тенг соф фойда кўрилди.

Бундан ташқари, 2020 йилда 243,5 млрд. дона оддий ва 370 млн. дона имтиёзли акцияни сотиш ҳисобига Банк устав капитали 4,6 трлн. сўм ҳажмида шакллантирилиб, ҳар бир оддий акциядан ўртача 21,9 сўмдан даромад олинди. Ҳисобот йилида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда халқаро молия институтлари томонидан белгиланган меъёрларга қатъий риоя қилинди. Жумладан, капитал етарлилиги 17% дан, биринчи даражали капитал етарлилиги 13,1%дан, левераж 10,3дан иборат бўлди. Тарихдан маълумки, ҳар қандай инқирознинг банк тизимида салбий таъсири унинг ликвидлилигини пасайтиришида намоён бўлади. Шу боис пандемия даврида Банк тизимида ликвидлилик меъёрларини ушлаб туришга катта эътибор қаратилди. Натижада Банкда ликвидликни қоплаш кўрсаткичи 206,8%, соф барқарор молиялаштириш меъёри 105,6%, юқори ликвидли активлар улуши эса 13,1%га тенг бўлди. Юқори ликвидли активлар 2,4 баробарга ортиб, 6,4 трлн. сўмни ташкил қилди. Бир сўз билан айтганда, 2020 йил Банк учун ҳар галгидек сермахсул келди. Пандемия шароитига қарамай, олиб борилган кўп изланишлар, ўзгаришлар ҳамда бошқарув ва хизмат кўрсатишда жорий қилинган янгиликлар Банк барқарорлигини сақлаб қолди.

Банкка тақдим этилган “Fitch Ratings” ҳамда “Standard & Poor's” халқаро рейтинг агентликларининг “BB-”, шунингдек “Ahbor-Reyting” миллий агентлиги томонидан берилган “AA-” рейтинг баҳолари ушбу фикримиз далилидир.

Азиз ва муҳтарам дўстлар!

Маълумки, 2020 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишда давлат компанияларини трансформация қилишни жадаллаштириш бўйича вазифалар белгилаб берилди. “Ўзсаноатқурилишбанк”, “Асака банк”, “Ипотека банк”, “Алоқа банк”, “Турон банк” ҳамда “Қишлоқ қурилиш банк” хусусийлаштиришга тайёрланиши, камида битта йирик банкдаги давлат улуши стратегик инвесторларга тўлиқ сотилиши маълум қилинди.



Шунга кўра, жорий 2021 йилда Банкда Халқаро молия корпорацияси ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан банк фаолиятини трансформация қилиш ишларининг 3-босқичи амалга оширилади. “Change management – Ўзгаришларни бошқариш” тизими асосида трансформация жараёнларида ходимлар иштироки доимий равишда фаоллаштирилади. Универсал ходимларни шакллантириш орқали мижозбай ишлаш тизимига ўтилади. Банк филиллари ихчам сотув каналларига айлантирилади, вилоятдаги барча мижозларга ягона МФО остида исталган туман-шаҳарда хизмат кўрсатилади, бэк-офис функциялари марказлаштирилади. Банк ресурс базасини янада ошириш чоралари кўрилади.

Сўзим сўнгида Сизлар билан синовли кунларни ортда қолдириб, яна соғлом вужуд, чексиз шижоат ва янги тажрибалар билан улкан мақсадлар сари одим қадам ташлаётганимиз хайрли бўлсин деб қоламан.

Бир-биримизга бўлган оқибат, йиллар давомида синалган ишонч ва содиқлик учун миннатдорчилик билдираман.

Эҳтиром ила,

Банк Кузатув Кенгаши Раиси

Азиз Ботирович Воитов



Банк Бошқаруви Раиси мурожаати

Ҳурматли акциядорлар, инвесторлар, мижозлар ва ҳамкорлар!



Қарийб тўрт йилдан буён Банк бизнесини қайта қуришнинг мутлақо янги моделини яратиш бўйича муайян трансформация ишларини олиб бормоқдамиз. Бунда тизимдаги барча саъй-ҳаракатлар, аввало мижозларга йўналтирилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш лозимки, Банкимиз томонидан ўтган йиллар давомида мижозларга бўлган муносабат тубдан ўзгартирилди, улар билан ишлаш, қайта алоқа ўрнатиш, таклиф ва муаммоларига ечим топишда тизимли механизм яратилди. Банк маҳсулотлари ва хизматларини ишлаб чиқиш, улар бўйича хизмат кўрсатиш, маркетинг ва савдо ҳамда бошқа амалиётлар билан боғлиқ жараёнлар рақамлаштирилди.

Бунда, албатта, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, банк ишининг илғор тажрибаси ҳамда замонавий технологик ечимлардан фойдаланган ҳолда молиявий барқарор ва нуфузли инвесторларни жалб қилишдек катта мақсад кўзда тутилган.

Маълумки, Банк тизимида трансформация ишлари Халқаро молия корпорацияси ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки маслаҳатчиларининг яқин кўмагида амалга оширилмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, эътиборингизга мазкур ҳамкорликнинг 2020 йилги натижалари бўйича ахборотни ҳавола қилмоқчиман: Шундай қилиб, трансформация жараёнида мижозларга йўналтирилган ёндашувларни сифатли таъминлаш мақсадида ташкил этилаётган банк хизматлари офислари 42 тага, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш марказлари (24/7) эса 89 тага етказилди. Филиаллар тармоғида мижозларга банк хизматларидан фойдаланишда қулайлик яратиш мақсадида қўшимча 30 та электрон навбат ускунаси ўрнатилиб, қамров 90 фоизга етказилди. Рақамли банк хизматларини кўрсатиш йўлида аҳоли учун мутлақо янги 58 та хизмат турини ўз ичига олган “Joyda” мобил иловаси ишга туширилди. Илова билан биргаликда хизмат ва товарларни истеъмол кредити ҳисобига масофадан сотиб олиш имконини берувчи электрон савдо майдончаси (маркетплейс) ташкил этилди. Шунингдек, мазкур мобил илова орқали Банкда пластик карта очган мижозларга онлайн микроқарз ажратиш, хорижий валютани миллий валютага конвертация қилиш, “Золотая корона” халқаро пул ўтказмалари тизимидан келган маблағни тўғридан-тўғри пластик картага ўтказиш хизматлари ишга туширилди.

Пластик картага онлайн буюртма бериш ва уларни мижозларга етказиш, жисмоний шахслар учун кредит қарздорликларини СМС-хабарнома орқали тўлаш хизмати жорий этилди. Натижада муомаладаги пластик карталар сони 31%га ортиб, 1,3 млн. донани, ўрнатилган терминаллар 23%га ўсиб, 35,2 минг тани, банкомат ва инфокиосклар тармоғи 24%га кўпайиб, 423 тани ташкил қилди. Масофавий хизматлардан фойдаланувчилар сони 2,1 баробарга ортиб, 1,7 млн. нафарга етди. Visa карталари учун 3D Secure ҳимоя тизими ишга туширилди. Маълумки, 2020 йилда бутун дунёга кенг тарқалган коронавирус балоси мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмай, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизга путур етказди. Пандемия оқибатларини юмшатиш борасида Банкимиз томонидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Унга кўра, карантин сабабли қийин аҳволга тушиб қолган 1235 нафар тадбиркорни қўллаб-қувватлаш учун 4 трлн. сўм, 91 та экспортёрга 2,6 трлн. сўм кредит ажратилди, 3 809 та мижознинг 2,9 трлн. сўмлик кредитлари муддати 6 ойга узайтирилди. 132 та экспортёрга айланма маблағларни тўлдириш учун 3,6 трлн. сўм молиялаштирилди. Мижозларни тезкор кредитлаш мақсадида тадбиркорлар учун 26 турдаги, йирик корхоналарга 8 турдаги ва аҳоли учун 22 турдаги модулли кредитлар жорий қилинди. 630 млрд. сўм миқдоридаги 2197 та кредит ана шу механизм асосида ажратилди. Тадбиркорлар ва аҳолини кредитлашда инсон омили иштирок этмайдиган янги скоринг тизими асосланган Андеррайтинг йўлга қўйилди. Бу билан аввалги 5 поғонали кредитлаш тизими 2 поғоналига туширилди. 2020 йилда Банк томонидан ишга туширилган энг йирик лойиҳалардан бири сифатида Ўзбекистонда биринчи бўлиб йўлга қўйилган яшил лойиҳаларни молиялаштириш механизмини қайд этиш мумкин. Бу йўналишда молиялаштирилган дастлабки лойиҳалар сони 17 та бўлиб, уларни амалга ошириш мақсадида 31,9 млн. АҚШ жалб қилинди. Шунингдек, жами 978 та лойиҳа, шундан ҳудудларни ривожлантириш дастурларига асосан 966 та лойиҳа молиялаштирилди. Шаҳрисабз туманидаги “Шаҳрисабз текстиль” МЧЖнинг йилига 5,8 минг тонна синтетик тола ва мато ишлаб чиқариш, Фарғона шаҳридаги “Ўз-сеганг” қўшма корхонасининг йиллик қуввати 5,8 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, Сардоба туманидаги “Сардоба оқсарой текстиль” МЧЖнинг йилига тайёр ҳолдаги 1,4 млн. дона маҳсулот ва 900 минг тонна мато ишлаб чиқариш қувватига эга лойиҳалари шулар сирасига киради. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун 1149 млн. АҚШ доллари ҳажмида халқаро молия муассасалари ва чет эл банкларининг кредит линиялари жалб қилинди. Бу йўналишда Банкнинг Осиё тараққиёт банки, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги, “Raiffeisen Bank” (Австрия), “Commerzbank” (Германия), “Газпромбанк”, “Промсвязьбанк” (Россия) кабилар билан ҳамкорлиги юқори суръатда давом эттирилди. Жорий йилда Банк фаолиятини трансформация қилиш янада жадаллаштирилади. Бунинг учун бир нечта йўналишда янги автоматлашган тизимларни яратиш бўйича муайян ишлар давом этмоқда. Хусусан, халқаро тўлов тизимлари пластик карталарини муомалага чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш учун янги процессинг маркази ташкил қилинади. Мижозларга республикамизнинг исталган ҳудудида “ягона дарча” тамойили асосида хизмат кўрсатиш имконини берувчи CRM тизими ишга туширилади. Кредит ажратиш тизимини автоматлаштиришга мўлжалланган кредит конвейер дастурий тизими жорий қилинади. Банклар трансформацияси бўйича яхлит тушунча – бу аҳоли учун банк хизматларини оддий ва қулай шаклда етказиб бериш ҳисобланади.



Шундай экан, энг сўнги, илғор IT технологияларидан қанчалик фойдаланмайлик, мижозларга тақдим этаётган ҳар бир таклифимизнинг мукамаллиги унинг соддалигида бўлиши зарур.

Сўзим охирида мен мана шу мураккаб ва, ўз навбатида, шарафли ишга ҳисса қўшаётган, банкнинг барқарор фаолияти учун дахлдорлик ҳисси билан меҳнат қилаётган бутун жамоамизга миннатдорчилик билдираман.


Ҳар бир йилни улкан марралар билан қарши олиб, юз ёшга юзлашаётган банкимиз Сиз, азизларнинг фидойилигингиз, ҳамкорларимиз ва мижозларимизнинг садоқати билан молия бозорининг энг етакчилари қаторида бўлишига ишонаман.

Эҳтиром ила,

Банк Бошқаруви Раиси

Сахи Сапармухамедович Аннакличев





“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ МИССИЯСИ ВА ҚАДРИЯТЛАРИ

“ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК” АТБ МИССИЯСИ ВА ҚАДРИЯТЛАРИ

Бизнинг вазифамиз:

Биз инсоният учун неъматлар яратишга, уларни сақлашга ва кўпайтиришга кўмаклашамиз. Ушбу жумладаги ҳар бир сўз биз учун жуда муҳимдир.

Мижозлар - Бизнинг мақсадимиз юқори сифатли ва ишончли замонавий банк хизматларининг тўлиқ кўламини тақдим этиш орқали мижозларимиз эҳтиёжларини қондиришдир. Биз молиявий хизматлар ўз ҳолида мижозлар учун унчалик қизиқ эмаслигини, улар фақат бошқа, уларга нисбатан анча муҳимроқ бўлган эҳтиёжлар ва мақсадларни амалга ошириш воситаси эканлигини тушунамиз. Биз мижозларимиз ушбу мақсадларга эришишда уларга кўмаклашаётганимиз учун бизни қадрлашларини истаймиз.

Ходимлар - Ўзсаноатқурилишбанк учун муҳим аҳамиятга эга, зеро унда меҳнат фаолиятини олиб бораётган ишчиларнинг шахсий ва касбий мақсадларини рўёбга чиқармасдан, банк ўз мақсадларини амалга ошира олмайди.

Жамият - Бизнинг миссиямиз жамиятдаги энг муҳим бўлган махсус ижтимоий ролимиз – ундаги ишончни, барқарорликни ва стабилликни сақлаш эканлигини таъкидлайди.

Акциядорлар – Банк корпоратив бошқарувнинг юқори стандартларига интилади, ўз фаолиятини очиқлик, шаффофлик ва истиқболни белгилаш тамойиллари асосида амалга оширади. Биз капиталнинг рентабеллиги ва акциядорлар учун даромадлилик даражаси бўйича банклар орасида етакчи бўлишга интиламиз.

Давлат - Банк иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришларида, иқтисодиётнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ишларида фаол иштирок этади. Бизнинг миссиямиз, ўз олдимизга қўйган ўта юксак мақсадимизни белгилайди – биз юртимиздаги энг самарали молиявий компаниялардан бири бўлишни истаймиз.

ИНСОНЛАР. ЖАМИЯТ ФАРОВОНЛИГИ УЧУН

Бизнинг барча саъй-ҳаракатларимиз инсонларнинг, шу жумладан мижозлар ва ходимларнинг ҳаётини яхшилашга йўналтирилган бўлиб, шунингдек ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш давомида кўмаклашишдан иборатдир.

МАСЪУЛИЯТ

Ҳар бир ходим ўзининг фаолияти, бурч ва мажбуриятлари бажарилишига масъулдир. Биз ҳамиша ҳар бир мижоз ва акциядорлар олдига берилган ваъдаларимиз устидан чиқамиз.

ХАВФСИЗЛИК

Банк мижозларнинг маблағлари ва шахсий маълумотларни сақланиши борасда барча муҳим чораларни кўришга ҳаракат қилади, шунинг учун юзага келаётган янги таҳдидларни ҳимоя тизимини такомиллаштириш мақсадида кузатиб боради.


ТАКОМИЛЛАШТИРИШ


Мукамалликка интилиш йўлида Банк ўз устидан мунтазам равишда ишлайди. Муваффақиятга эришишнинг асосий мезони бўлмиш тобора кўпроқ янги билимларни ўзлаштиради ҳамда узлуксиз жараённи таъминлайди.

СИНЕРГИЯ

Банк ўз бизнесининг барча соҳаларидан келиб чиқиб максимал синергия эффектини олишга интилади. Шу билан бирга, бизнинг қамровимиз ва мавжуд имкониятларимиз рақобатчилар ета олмайдиган марраларга олиб чиқади

Ўзсаноатқурилишбанк 2020 йилда





Асосий молиявий
натижалар

Молиявий ва операцион натижалар юзасидан маълумот:

2020 йилда соф фоизли даромад 40,16%га ўсиб, 1,622.08 млрд. сўмга етди. Банк мижозлари базасининг ўсиши ва диверсификацияси туфайли соф комиссия даромади 2019 йилга нисбатан 24,56% ошди ва 320,32 млрд.сўмни ташкил этди. Банкнинг жами активлари 2019 йилга нисбатан 34,81% ошди ва 2020 йилда 48,32 трлн.сўмни ташкил этди. Ўтган йил давомида банк операцияларининг ўсиши билан бир қаторда активларнинг ошишига ўзбек сўмининг АҚШ долларига нисбатан курснинг девальвацияси таъсир кўрсатди, ва 2020 йил бошига нисбатан 10% кўтарилди.

Ҳисобот даврига банкнинг соф кредит портфели 29,69% ўсди ва 38,96 трлн.сўмни ташкил этди. Сегментларнинг ўсиши чакана савдода 39,64%, корпоратив 50,96% ва давлат ташкилотларида 11,76%ни ташкил этди.

Хавфли мижозлар сегментларини фаол равишда кредитлашига қарамай, кредит портфелининг сифати юқори даражада сақланиб қолмқда, негаки муддати ўтган кредитлар (90 кундан ортиқ) умумий портфелидаги улуши 2020 йилда 0,66% ташкил этди. 9-МСФО ҳисоботида кўра, 3-босқич кредитларининг умумий ялпи кредит портфелидаги улуши 6,5%ни ташкил этди, шу билан бирга ялпи портфелдаги резервларининг улуши 4,66%ни ташкил этди. Банкнинг мажбуриятлари 43,07% фоизга ошди ва 42,24 трлн.сўмни ташкил этди. Депозит база 27,32% ўсди ва йил охирида 11,62 трлн. Сўмга етди.

Ушбу ўсишга асосан Банк портфелининг чакана ва корпоратив сегментдаги ўсиши ҳисобига эришилди, бу ерда йиллик ўсиш мос равишда **39,64%** ва **50,96%** ни ташкил этди.

Ҳисобот йилнинг охирида ушбу сегментлар портфели **4,36** ва **21,94** трлн. сўм мос равишда ташкил этди.

Жами капитал
6,08 трлн.сўм


Инқирозли йил бўлишига қарамай, Банк томонидан **113,01** миллиард сўм фойда олинди

Соф фоизли даромад **1,622.08** миллиард сўмдан ошиб, деярли **40.16%** ўсишни кўрсатди.


	31- Дек-2019	31- Дек-2020	Йил давомидаги ўзгаришлар
Умумий активлар	35 846,1	48 323,85	↑ 34,81%
Ялпи кредит портфель	30 686,2	40 862,67	↑ 33,16%
Депозитлар	9 123,97	11 616,96	↑ 27,32%
Банк капитали	6 320,57	6 080,87	↓ 3,79%
Соф фоизли даромад	1157,32	1,622.08	40,16%
Соф комиссия даромади	257,2	320,32	↑ 24,56%
Операцион харажатлар	659,4	790,45	↑ 15,18%
Муайян давр учун фойда	604,47	113,01	↓ 81,3%

Молиявий натижалари


Соф даромад
млрд. сўм




Захирадан олдинги
операцион даромад
млрд. сўм




Активларнинг
рентабеллиги




Активлар
млрд. сўм




Капиталнинг рентабеллиги
(ROE)



Депозитлар
млрд. сўм





ЎЗСАНОВАТҚУРИЛИШБАНКДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ ХУСУСИДА

Ўзсаноатқурилишбанкда амалга оширилган трансформация жараёнлари хусусида

- Ҳозирги вақтда амалга оширилаётган банк секторини тубдан трансформация қилиш жараёни хусусий секторнинг ривожланишини рағбатлантиришга, банкларнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга, банк хизматларининг сифатини ва оммабоплигини оширишга йўналтирилган.

1. Ўзсаноатқурилишбанк фаолиятини ўзгартириш мақсадида банк Халқаро молия корпорацияси (ХМК) ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) билан фаол ҳамкорлик қилмоқда.

2. Хусусан, Ўзсаноатқурилишбанк 2018 йил август-декабрь ойлари давомида трансформациянинг \

1-босқичида Халқаро молия корпорацияси билан биргаликда банк фаолияти асосий йўналишларининг диагностикасини ўтказди.

3. Трансформация дастурининг 2019 йил июль ойида бошланган иккинчи босқичида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

- Трансформация жараёнига кўмаклашиш мақсадида Лойиҳа бошқаруви офиси (РМО) ташкил этилди;

- Корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсадида Банк кузатув кенгашига банк соҳасида халқаро

тажрибага эга бўлган 4 та мустақил аъзо жалб қилинган (жами кенгаш аъзолари – 9та) улардан 3 нафари хорижий мутахассислардир;

Кенгаш таркибида корпоратив бошқарув хизмати жорий этилди ва хусусан 3та янги кўмита тузилди:

1. Стратегия кўмитаси 2. Номзодларни тайинлаш ва мукофотлаш кўмитаси 3. Асосий келишувлар ва боғлиқ томонларнинг битимлари бўйича кўмита.

- Банкнинг мижозларга йўналтирилган янги ташкилий тузилмаси тасдиқланди;

- Таваккалчиликларни бошқариш тизими халқаро талабларга мувофиқ ташкил этилди;

- Банк хизматларини кўрсатиш бўйича 53та марказ ва ўз-ўзига хизмат (Self Service Class) кўрсатадиган 89та пункт ташкил этилиб, улар 24/7 режимида фаолият олиб боради;

- Кредитлаш жараёнини соддалаштириш ва кредит беришда бир босқичли қарор қабул қилиш механизмининг йўлга қўйиш учун андеррайтинг тизими жорий қилинди;

- Модулли кредит махсулотларининг янги турлари ишлаб чиқилди: 8 – корпоратив мижозлар, 27 – хўжалик юритувчи субъектлар ва 22 – аҳоли учун тақдим этилди;

- Товарларни масофадан харид қилиш мақсадида «JOYDA» савдо майдончасини маркетплейс мобил иловаси ишга туширилди;

- Тадбиркорларга бизнес-режаларни ишлаб чиқиш, мол-мулкни баҳолаш, импорт шартномаларни экспертизадан ўтказиш жараёнларида кўмаклашиш мақсадида “SQB Consult” консалтинг компанияси ташкил этилди;

- CERT халқаро стандартлаштириш ташкилоти билан ҳамкорликда “антикоррупция” тизими йўлга қўйилди;

4. Жорий 2021 йилда трансформация жараёнининг учинчи босқичи бошланди:

- Халқаро молия корпорацияси билан биргаликда бутун минтақавий тармоқ бўйлаб бизнеснинг янги модели жорий этилади;
- Банк филиаллари ихчам савдо нуқталарига айлантирилади;
- Барча минтақалар ва Қорақалпоғистон Республикаси мижозларига “ягона минтақавий МФО” савдо нуқтаси доирасида ҳар қандай хизмат кўрсатиш мумкин бўлади;
- Бэк-офис функциялари марказлаштирилади;
- Мижозларга йўналтирилган хизмат кўрсатиш тизими яратилади;
- Универсал ходимлар сонини кўпайтириш орқали ҳар бир мижоз учун индивидуал ёндашув таъминланади;
- Жорий қилинган CRM тизими мижозларга “Ягона дарча” тамойили асосида хизматлар кўрсатишга имкон беради (2021 йил 4-чорагида);
- Кредит конвейерининг дастурий таъминот тизими кредитлар бериш жараёнини автоматлаштиради (2021 йил 4-чорагида);
- 2021 йил 2-чорагида халқаро тўлов тизимларининг пластик карталарини чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича янги процессинг маркази жорий этилади;
- SAP тизимида молиявий режалаштиришнинг автоматлаштирилган дастурини ишга тушириш 2021 йил 2-чорагида кўзда тутилган;
- DWH маълумотлар омбори – маълумотларни сақлаш ва таҳлил қилиш базаси яратилади (2021 йил 2-чорагида);

Банкнинг янги стратегияси

Ўзсаноатқурилишбанкни бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида ишлайдиган универсал банкка айлантиришнинг асосий стратегияси аниқланди.

Стратегия доирасида асосан 7 йўналиш бўйича ишлар олиб борилмоқда:

Операцион самарадорлигини ошириш;

Мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш;

Кредит портфели ва ресурс базасини диверсификация қилиш;

Ахборот технологиялари инфратузилмасини модернизациялаш;

Хатарларни бошқариш тизимини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш;

Мижозларнинг молиявий саводхонлиги ва банк ходимларининг малакасини ошириш;

Кредит сиёсатини такомиллаштириш, инновацион ва масофавий хизматларни жорий этиш

Банкнинг асосий стратегияси миқозларга энг мувофиқ банк тажрибаси ҳамда мақбул молиявий ечимларни таклиф қилиш орқали миқозларга йўналтирилган махсулот юқини кўпайтиришданиборат.

Ушбу мақсадга мувофиқлашиш нуқтаи-назаридан, банкнинг стратегияси, мавжуд бизнес йўналиш бўйича тузилди (корпоратив бизнес, КЎБ ва чакана бизнес) ва “Balanced ScoreCard”га биноан яъни ҳароан яъни reCardмуайян кўрсаткичлар шакллантирилди.

Шундай қилиб, ҳар бир бизнес йўналиш бўйича жумладан миқозларга хизмат кўрсатиш ва инсон ресурсларини бошқариш кесимида аниқ молиявий кўрсаткичлар шакллантирилган. Барча кўмаклашувчи департаментларнинг функциялари ва вазифалари муайян бизнес йўналишларни қўллаб-қувватлашга қаратилган. “Green Banking” департаменти мавжуд йўналишдаги миқозларни имтиёзли шартлар асосида молиялаштириш учун яшил махсулотлар ишлаб чиқаради.

Транзакцион банкинг департаменти савдони молиялаштириш бўйича мавжуд воситаларни тақдим этади шунингдек барча транзакция хизматларини автоматлаш орқали Ўзсаноатқурилишбанкни транзакцион бизнес соҳасида (республика молия бозорини 15% қамраб олиш йўли билан) етакчи банк сифатида ташкил этилишига хизмат қилади.

Банкнинг стратегик вазифаларини бажаришда ҳар бир ходимнинг иштирокини атрофлича таъминлаш мақсадида, ҳозирги кунда муайян йўналиш кесимидаги мутахассислар “каскад” тизимига мувофиқлаштирилмоқда. Банк ходимларининг мотивациясини ошириш юзасидан KPI тизими жорий этилмоқда, бу эса хизматлар кўрсатиш мобайнида юқори самарадорликка эришишни рағбатлантиради. Дастлабки босқичда ушбу тизим чакана хизматларга жорий этилади, кегинги поғонада эса барча филиалларга шунингдек Банк Бошқаруви ва Кенгашига нисбатан татбиқ қилинади.

Кредит рейтинги

Ўзсаноатқурилишбанкка халқаро стандартларига мувофиқ “Fitch Ratings” ва “Standard and Poor's” халқаро рейтинг агентликлари томонидан 2021 йил 17 майида ва 2020 йил 9 сентябрида кредит рейтинг берилди.

Шунингдек, 2021 йил 17 майида Банкка хорижий ва маҳаллий валютадаги “BB-” даражасида барқарор истiqболга эга бўлган узоқ муддатли дефолт рейтинг йўналиши бўйича “Fitch Ratings” кредит рейтинг берилди. Бундан ташқари, хорижий ва миллий валютадаги эмитентнинг қисқа муддатли дефолт рейтинг соҳасида барқарор истiqболга эга бўлган “B” рейтинг берилган.


2021 йил 8 июнида “Standard and Poor's” томонидан “Чет эл валютасидаги узоқ муддатли рейтинг” йўналиш бўйича Банк “Салбий” истiqболга эга бўлган “BB-” рейтингига эга бўлди.

Макроиқтисодиёт

Дастлабки баҳолашга кўра, 2020 йилда Ўзбекистон Республикасининг ялпи ички маҳсулоти (кейинги ўринларда - ЯИМ) кўрсаткичи амалдаги нархларда 580 203,2 млрд. сўмни ташкил этди, 2019 йилга нисбатан реал ифодаланишида эса 1,6%га кўпайди. 2019 йил нархларига нисбатан ЯИМ дефлятори 11,9%ни ташкил этди.


2020 йилда аҳоли жон бошига ЯИМ кўрсаткичи амалдаги нархларда 16 949,1 минг сўмни (1 685,5 АҚШ долларини) ташкил этган ҳолда, 2019 йилга нисбатан 0,3%га камайди.

ЯИМнинг реал ўсиш суръатлари (фоизларда)



Коронавирус пандемияси туфайли, 2020 йилда ЯИМ кўрсаткичининг ўсиши 2019 йилдаги 5,8%га ва 2018 йилдаги 5,4% даражасига нисбатан 1,6%гача пасайган. Айти пайтда, ЯИМ дефлятори индекси 2019 йилда 118,6%дан ва 2018 йилда 127,5% даражасига етганидан сўнг 111,9% гача пасайган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида» ги Фармониға мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки инфляцион таргетлаш сиёсатини ишға туширди, шу туфайли 2020 йилда истеъмол нархларининг индекси (ИНИ) 15,2% даражасидан 11,1%гача пасайган. Марказий банкнинг сиёсатиға биноан, 2021 йилда ИНИ кўрсаткичини 10%дан паст даражаға етказиш режалаштирилган.




Инфляция ўсишининг асосий омилларидан бири - ўзбек сўмининг девальвацияси, яъни қадрсизланишидир. Нейтрал захиралар сиёсати доирасида Марказий банк томонидан миллий валюта курсини мустаҳкамлашга қаратилган интервенция амалга оширилмоқда. Сўнгги йилларда, айниқса, 2020 йилда олтин нархининг кўтарилиши валюта бозорида фаол операцияларнинг ўтказилиши учун қўшимча имкониятларни очиб берган эди. 2020 йилда сўмнинг девальвацияси 2019 йилдаги 14%га нисбатан 10,1%ни ташкил этди.




Банк сектори


Сўнги уч йил давомида банк секторида бир қатор кўрсаткичлар бўйича барқарор ўсиш кузатилди. 2019 йилдаги 272,7 млрд. сўмга ва 2018 йилдаги 214,4 млрд. сўмга нисбатан 2020 йил Банкларнинг жами активлари 366,1 млрд. сўмни ташкил этди. Банклар мажбуриятлари 2018 йилда 187,7 млрд. сўм миқдоридан 2020й. 307,8 млрд. сўмгача ўсди. Активларнинг рентабеллиги (ROA) кўрсаткичи 2018 йилга нисбатан 2019й. ўсиб, 2,05%дан 2,23%гача кўпайган бўлсада, 2020 йилда ROA кўрсаткичи бир оз пасайиб, 2,20% даражасига етган эди.




2019 йилда банкларнинг жами капитали кескин ўсишни кўрсатди, 2018 йилдаги 26,6 млрд. сўмдан 2019 йилда 51,1 млрд. сўмгача, яъни деярли икки баравар ўсиб, 2020 йилда Ўзбекистондаги банкларнинг капитали 58,4 млрд. сўмни ташкил этди, ушбу ўсиш 7 млрд. сўм, ёки 2019 йилга нисбатан 12% кўпроқ миқдорни ташкил этади. 2020 йилда Covid-19 пандемияси туфайли капитал рентабеллиги (ROE) кўрсаткичи сезиларли даражада камайиб, 2019 йилдаги 16,73%га нисбатан 10,3%ни ташкил этди. Бундан ташқари, 2020 йилда банк секторида капиталнинг етарлилиги кўрсаткичи анча пасайиб, 2019 йилдаги 23,5%га нисбатан 18,4%ни ташкил этди.



Банкларнинг кредит портфели ва депозит базаси ўсишга мойиллигини намоён қилмоқда. Банкларнинг кредитлари 2020 йилда 276,9 млрд. сўмга нисбатан, 2018й. 133,8 млрд. сўмга етди, депозитлар эса 70,1 млрд. сўмдан 114,8 млрд. сўмга ўсди. Кредитлар ва депозитлар нисбатининг ўсиши банклар томонидан бериладиган кредитларнинг миқдори депозитларга қараганда тезроқ ўсиб бораётганини кўрсатади. Кредитларнинг депозитларга нисбати 2018 йилдаги 191%га нисбатан, 2020 йилда 241%га етди.



Банк секторида олинган фойда кўрсаткичи ўсиб бориш динамикасини намоён қилган ҳолда, 2020й. 5,6 триллион сўмни ташкил этди, бу миқдор 2018 йилга нисбатан 1,9 триллион сўмга кўпроқ бўлган эди.



Бундан ташқари, 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасини икки марта пасайтирган эди.

Сана	Ставка, %да
25.09.2018 – 14.04.2020	16
15.04.2020 – 11.09.2020	15
11.09.2020	14

Бизнес модели

Банк ўз бизнесини рақобатбардош муҳиtida ривожлантириш мақсадида мижозларга йўналтирилган моделини яратиш устида ишламоқда. ХМК экспертларининг кўмагида, ўтган вақт мобайнида бизнес-жараёнларини, меъёрий ҳужжатлар, тартиблар ва низомлар, банкнинг ташкилий тузилмаси ва бошқа соҳаларни қайта кўриб чиқиш бўйича фундаментал ишлар амалга оширилди. Хусусан, энг яхши халқаро тажрибалардан фойдаланувчи бошқарув тизими ва ташкилий тузилма муваффақиятли амалга оширилди, унга мувофиқ: Бизнес, Кредит (CCO), Операцион (COO), Таваккалчилик (CRO), Молия (CFO) блоклари каби қўллаб-қувватлаш блоклари яратилган. Самарали корпоратив бошқарув тизими йўлга қўйилди, таркибида касбий бошқарув ходимлари иштирок этган Кузатув кенгаши шакллантирилди ҳамда унга халқаро бошқарув тажрибасига эга бўлган 4 та мустақил аъзо жалб қилинди.

Янги бизнес моделининг муҳим элементи бўлган таваккалчиликларни бошқариш тизими такомиллаштирилди. ХМК билан самарали ҳамкорлик ва биргаликда олиб борилган саъй-ҳаракатлар туфайли кредит жараёни тўлиқ ҳолда қайта қурилди, бу эса кредит циклини оптималлаштириш, гаров билан ишлашни соддалаштириш ва мижозларга хизмат кўрсатишни яхшилаш имконини берди. Шунингдек, амалдаги бизнес йўналишларига хизмат кўрсатиш модели экспертлар билан биргаликда тўлиқ қайта кўриб чиқилди. Ҳозирги вақтда банкда тармоқлар ва бизнес турлари бўйича диверсификацияланган мижозлар базаси мавжуд: корпоратив, кичик ва ўрта бизнес.

Чакана бизнес учун маркетплейс функцияси бўлган янги мобил илова ишга туширилди, унда шунингдек конверсия хизматлари, халқаро пул ўтказмалари хизматлари, коммунал ва бошқа бир марталик тўловларни қабул қилиш бўйича хизматлар, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш мосламалари (банкоматлар ва инфокиосклар) орқали хизматлар, халқаро пластик карталар ва миллий валютадаги карталарни чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича хизматлар тақдим этилади. 2020 йил якунига келиб мижозлар сони 1,4 млн. кишига етди. Шундан 1,3 млн. киши чакана мижозлар, 1,3 мингтаси корпоратив мижозлар, ва 64,4 мингтаси кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳисобланади. Банк стратегияси доирасида ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган устувор йўналишлар белгилаб олинди. Стратегиянинг асосий вазифаларидан бири – ўз мижозлари билан ўзаро муносабатларни яхшилаш ва уларни мутлақо бошқа аҳамият даражасига кўтариш, бу орқали бозорда ўз позициясини мустаҳкамлашдир.

Ўзсаноатқурилишбанк бир қатор муҳим чора-тадбирларни амалга оширди, бунда КЎБ сегментини мустақил ва кенг кўламли мижозлар портфели сифатида ажратилди. Бу чора ушбу сегментнинг муаммоларини чуқурроқ кўриб чиқишга, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларнинг энг мувофиқ ва тўғри режасини ишлаб чиқиш, ҳамда қиймат таклифини максимал даражада яхшилайдиган жараёнлар ва маҳсулотларни стандартлаштириш имконини беради. Банк ҳар йили янги банк хизматларини ишлаб чиқиш орқали 20% дан ортиқ янги мижозларни жалб қилишни режалаштирган, бундан ташқари, янги ташкил этилган корхоналардан мижозларни жалб қилишни асосий вазифа қилиб белгилаган.

Банкнинг асосий мақсади - мижозга кичик микро сегментдан ўрта ва йирик компанияларгача ўсиши ва ривожланишига ёрдам беришдир. Шундай қилиб, банк ўз фаолиятида нафақат хизмат кўрсатувчи ташкилот, балки уларнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда маслаҳатчи сифатида ҳам иштирок этиб, мижозлар базасини кўпайтиришни ва ушбу сегмент вакиллари ўртасида мижозлик садоқатини оширишни режалаштирган. Банк томонидан энг яхши халқаро тажрибалардан фойдаланган ҳолда бошқарув тизими ва ташкилий тузилмаси муваффақиятли яратилиб, амалга оширилган. Бунда қуйидаги бизнес блоклари яратилди: Бизнес, Кредит (CCO), Операцион (COO), Таваккалчилик (CRO), Молиявий (CFO) блоклари. Барча таркибий бўлинмалар юқоридаги бизнес блоклар бўйича тақсимланган.

Шунингдек, банк хизмат кўрсатиш офислари фаолиятини такомиллаштириш бўйича ишларни олиб боради. 2020 йилнинг охирига келиб, Банкнинг хизмат кўрсатиш офислари сони қуйидагича бўлди:

Бизнес- класс – 45

Стандарт- класс – 57

Смарт- класс – 300

Фаст- класс – 164

24/7 селф-сервис класс (ўз-ўзига хизмат кўрсатиш) – 89. Филиал тармоғи брендларни ривожлантириш, мижозлар базасини қамраб олишни таъминлаш, мижозларга хизмат кўрсатиш соҳасида етакчиликни сақлаб қолиш, чакана мижозлар билан, кичик ва микро бизнес сегментининг мижозлари билан ҳамкорлик қўламини ошириш учун қулай восита бўлади.

Банк кейинчалик ҳам Интернет ва мобил банкинг хизматларидан фойдаланган ҳолда масофавий сотиш ва хизмат кўрсатиш каналларининг фаол ривожланишини таъминлашни давом этади, шунингдек, алоқа маркази, Банк веб-сайти ва ижтимоий тармоқлар орқали ахборот таъминотини ва маҳсулот сотилишини ривожлантиришни кўзда тутди. Айни пайтда, Банк рақамли технологиялардан фойдаланиб, молиявий саводхонликни ошириш муаммоларини ҳал қилишга қаратилган ҳолда, вилоятларда ва маҳаллий молия бозорида ўз иштирокини кенгайтиришни режалаштирган. Бунда, янги сотиш нуқталарини очиш фақат уларнинг юқори самарадорлиги (рентабеллиги) шарти билан амалга оширилади. Келажак истиқболда банк ўз минтақавий филиалларини қайта ташкил этишни, ва уларнинг Бош офис ва унга бўйсунувчи қуйи офисларни ўз ичига олган икки босқичли моделга ўтишини режалаштирган, бунда ушбу офислар универсал (юридик ва жисмоний мижозларга хизматларнинг тўлиқ қўламини тақдим этувчи) ва базавий (чакана мижозларга барча турдаги хизматларни тақдим этувчи) форматларда тузилади.

Банкнинг асосий манбалари

Банк активларини шакллантиришда ва ўстиришда, банк учун асосий манбалар сифатида қуйидагилар ҳисобланади:

- чет эл банклари, халқаро молиявий ташкилотлар, маҳаллий фондлардан ажратиладиган кредит линиялари;
- мижозлар депозит базаси;
 - банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар, шу жумладан евробондлар;
 - жами капитал

Стратегия

Банкнинг яқин ва узоқ муддатли мақсадларини, шу жумладан 2019-2021 йилларда қабул қилинган стратегия доирасида, Банк бизнес тузилмасининг самарали ўсиши ва уни такомиллаштириш стратегиясига ўтиши зарурлиги белгилаб беради. Алоҳида белгиланган «ўсиш нуқталари»га эътибор қаратиш лозим – булар Ўзсаноатқурилишбанк учун даромадни оширишнинг энг катта имкониятлари мавжуд бўлган энг истиқболли маҳсулотлар ва сегментлар ҳисобланади. Банкнинг 2021 йилга мўлжалланган стратегиясида банк ривожланишининг ушбу векторини давом эттириш кўзда тутилган.

Банкнинг асосий мақсадлари ва ташаббуслари хатарсиз даромад келтирадиган барқарор диверсификацияланган мижозлар базасини яратишни назарда тутди.

Мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида ва стратегик миллий лойиҳаларда фаол иштирок этиш, мижозларига халқаро стандартларга мувофиқ банк хизматларини кўрсатиш орқали тармоғларни ҳосил қилувчи инфратузилмани ўзгартириш учун кенг имкониятларни тақдим этиш устувор вазифадир. Шу ўринда, ҳар бир мижознинг тармоқ хусусиятлари тўғрисида хабардорлигини ошириш ва энг долзарб банк воситаларидан фойдаланган ҳолда ўз бизнеслари – корпоратив, кичик ва ўрта, чакана бизнес фаолияти самарадорлигини ошириш. Банк ўз стратегиясини танлашда банк секторини ислоҳ қилиш, замонавий банк тизимини яратиш, инвестицион жозибадорлигини ошириш ва банк хизматларининг янги стандартларини жорий этишга қаратилган мажмуий ўзгаришларни амалга ошириш бўйича республика ҳукумати томонидан қўйилган вазифаларга таянади.

Банкнинг стратегияси 2021 йилдан бошлаб, мижозларга йўналтирилган бизнес-моделга ўтишга, бунда тақдим этилаётган хизматларнинг оммабоплигини ва сифатини таъминлайдиган рақамли хизмат кўрсатиш каналларини кенгайтириш мақсадларига қаратилган. Банкнинг 2021 йилга мўлжалланган асосий мақсади – ўз фаолиятини мавжуд маҳсулот ва хизматларни кучайтиришга ва янгиларини ривожлантиришга, филиал тармоқларини ўзгартиришга, ташқи ва ички стратегик шериклар билан ҳамкорлик интеграциясини кучайтиришга йўналтириш ҳисобланади.

Асосий мақсадлар ва ташаббуслар:

- Мижозларимиз эҳтиёжларини тез ва самарали қондиришни таъминлайдиган инновацион ва юқори технологик ечимларни жорий этиш.
- Шахсий ёндашувни ривожлантириш ва миждозлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш - банк фаолиятининг асосий тамойили сифатида.
- Мажмуий молиявий ва технологик ечимлар ва маҳсулотларни етказиб бериш.
- Инвестиция лойиҳаларини танлашда уларнинг барқарор ривожланишга ва энергия самарадорлигини оширишга таъсирини ҳисобга олиш.
- Ўзаро сотувлар ўсиши ҳисобига даромадларни диверсификациялаш.
- Масофавий банк хизматлари (МБХ / ДБО) интерфейсининг қулайлигини ошириш, бозорда мавжуд бўлган энг яхши дастурларга эътибор қаратиш, ва янги тўлов хизматларини улаш;
- Қулайроқ ҳисоб-китоб-касса хизматларини ташкил этиш, шу жумладан миждоз билан ўзаро ҳамкорлик қилиш учун ИТ-ечимларни жиддий даражада яхшилаш;
- Маҳсулотларни такомиллаштириш, уларни кўпроқ даражада миждозларга йўналтириш, шу жумладан миждозларнинг аризаларини кўриб чиқиш тезлигини ошириш, ишларни соддалаштириш, миждозлар учун ягона операцион дарча яратиш

2019-2021 йиллар даври учун банкнинг ривожланиш стратегияси 2019 йилда қабул қилинган бўлиб, белгиланган мақсадларни амалга оширишда муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ўтган стратегик давр мобайнида Ўзсаноатқурилишбанк корпоратив мижозлар учун барқарор ва ишончли банк унвонини сақлаб қолди, давлатимиз аҳолисига хизмат кўрсатадиган инфратузилмани жиддий даражада ривожлантирди. COVID-19 пандемиясининг салбий таъсири остида, 2020 йилда иқтисодий вазиятнинг жуда кучли даражада ёмонлашганига қарамай, Банк барча бўлинмаларнинг ўзаро мувофиқлашган иши туфайли ўзига юклатилган вазифаларнинг аксариятини бажара олди, ва Стратегияни амалга ошириш доирасида ўз фаолиятини янада кенгайтириш учун режалаштирилган лойиҳаларнинг катта портфелини шакллантира олди. Ҳозирги вақтда банк асосий молиявий кўрсаткичлар бўйича энг йирик учта банк таркибидаги ўз ўрнини сақлаб, банк секторида етакчи позициясини эгаллашда давом этмоқда. Ўзсаноатқурилишбанкнинг ривожланиш стратегияси кичик ва чакана бизнесга эътибор қаратган ҳолда, ўз бизнесини кенгайтириш ва инвестициялар портфелини диверсификация қилиш орқали бозор тамойилларига асосланган универсал банкка трансформация қилинишига қаратилган.

Ҳозирги вақтда амалга оширилаётган банк секторини тубдан трансформация қилиш жараёни хусусий секторнинг ривожланишини рағбатлантиришга, банкларнинг инвестициявий жозибadorлигини оширишга, банк хизматларининг сифатини ва оммабоплигини оширишга йўналтирилган.

Хусусан, Халқаро молия корпорацияси билан биргаликда 2018 йил август-декабрь ойлари давомида, мухтасар қилиб айтганда трансформация жараёнининг 1-босқичида Ўзсаноатқурилишбанк банк фаолиятининг асосий йўналишларининг диагностикасини ўтказди. Бунда корпоратив бошқарув, ташкилий тузилма, бизнес сегментлари, таваккалчиликларни бошқариш, ахборот технологиялари ва бизнес жараёнлари, шунингдек «яшил банк» ни яратиш имконияти текширилган эди. Трансформация дастурининг 2019 йил июль ойида бошланган 2-босқичида Халқаро молия корпорацияси билан биргаликда 14 та иш йўналиши белгиланиб, 20 та экспертлар жалб қилинди.

Ўтган вақт давомида Банк жамоаси ХМК экспертлари иштирокида, лойиҳа доирасида Банкни кенг қамровли ислоҳ қилиш бўйича фундаментал ишларни амалга оширди, ва Банкни ривожлантиришга қаратилган мақсад ва чора-тадбирларнинг кўп қисми муваффақиятли амалга оширилди. Асосий фаолиятининг деярли барча соҳаларида сезиларли ютуқларга эришилди. Бошқарув тизими ва ташкилий тузилмаси муваффақиятли жорий этилди, унда бизнеснинг муайян йўналишлари учун масъулият ва блоklar деб аталадиган бирликлар доирасидаги қўллаб-қувватлаш функциялари аниқ расмийлаштирилган, шунингдек, бутун тузилма бўйлаб тегишли «вертикаллар» шакллантирилган. Банкнинг янги ташкилий тузилмаси максимал даражада мижозларга йўналтирилган, ва энг яхши халқаро тажрибаларга мувофиқ ҳолда Бизнес, Кредит (CCO), Операцион (COO), Таваккалчилик (CRO), Молия (CFO) йўналишини қўллаб-қувватлаш блоklари яратилган.

Банкнинг Кузатув кенгашига банк соҳасида халқаро тажрибага эга бўлган 4 та мустақил аъзо жалб қилинган. Шунингдек, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш учун Кузатув кенгаши қошида 5 та ихтисослаштирилган қўмита тузилди. Янги бизнес моделининг муҳим элементи ҳисобланадиган таваккалчиликларни бошқариш тизими такомиллаштирилди. Бундан ташқари, ҳозирги вақтда ушбу йўналишда операцион таваккалчиликни бошқаришнинг асосий кўрсаткичларини (KRI-Key Risk Indicators - асосий хавф кўрсаткичлари) қўллаш тартибини амалга ошириш бўйича ишлар якунланмоқда. Кредит жараёни тўлиқ қайта қурилиб, эндиликда у кредитлар бериш вақтини сезиларли даражада оптималлаштиришга ва кредит аризаларини кўриб чиқиш вақтини қисқартиришга имкон беради, шу билан бирга кредит таваккалчиликларини бошқариш тизимларининг самарадорлигини таъминлайди. Тармоқлар ва бизнес турлари бўйича мижозлар базасини ҳисобга олган ҳолда, бизнес йўналишларига: корпоратив, кичик ва ўрта бизнесга хизмат кўрсатиш модели яратилди. Мижозларга шахсан бириктириладиган мижоз менежерлари (Relationship manager) тизими асосида савдо ва хизмат кўрсатиш тизими жорий этилди. Банкнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегик ривожланиш режасининг асосий мақсадлари ва вазифалари белгиланди, улар иқтисодиётнинг асосий тармоқларида (нефть, газ, кимё, энергетика) йирик корпоратив мижозлар ва уларга хизмат кўрсатувчи кичик бизнес субъектларининг ўзаро боғлиқ занжирини ташкил қилиш орқали экотизим асосларини яратишни кўзда тутди, ушбу занжир бу корхоналарнинг ишчи-ходимлари инфратузилмасига чакана хизмат кўрсатишни ҳам қамраб олади. ХМК шунингдек Банкни трансформация жараёнида яшил молиялаштириш тизимининг ривожланиши имкониятига эга бўлган Марказий Осиёдаги биринчи банк сифатида намоён қилиш таклифи ташаббуси берилган.

Бугунги кунга келиб, «Яшил банкинг» департаменти ташкил этилди, банк мутахассислари учун «яшил молиялаштириш» мавзусида таълим ўтказилди. Шунингдек, қайд этиш керакки, банк учун бу йўналиш онгли фаолиятга, давлатимиз тараққиёти учун масъулиятнинг ортиб бориши, ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлаган илк тузилмалардан бири бўла олиш сари қўйилган навбатдаги қадам эди. Бугунги кунда банк «яшил офис» концепциясини амалга оширишга, илғор тажриба ва брендлашнинг технологик ечимларини ва энг яхши амалиётини тарқатишга эътибор қаратмоқда. Банк аҳолида энергетик экологик ресурсларга тежамкор муносабатда бўлишга оид фикрлашни ўзгартириш борасида намуна бўлишга интилади. Бундан ташқари, мижозлар базасини кўпайтиришга ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятнинг маҳсулотлари ва хизматлари турларини кенгайтиришга қаратилган «Транзакцион банкинг» модели қайта кўриб чиқилди.

Хусусан, транзакцион банкинг мутахассислари халқаро тўловлар бўйича 9 та янги маҳсулотни (аккредитивлар, банк кафолатлари, банкнинг вакиллик ҳисобварағи орқали халқаро банк тўловлари) киритган, бунда савдони молиялаштиришга оид барча турдаги хизматлар тақдим этилади, мижознинг молиявий ҳолатига боғлиқ ҳолда хизматлар кенг қамровли таклиф этилади. Банкнинг операцион самарадорлигини ошириш ва бизнес-жараёнларни оптималлаштириш учун халқаро стандартлар асосида операцион блок ташкил этилди. Экспертларнинг кўмагида бэк-офис функцияларини марказлаштириш бўйича ишлар олиб борилади.

2021 йилда трансформация жараёнининг учинчи босқичи бошланди. Ягона МФОга ўтиш ва мижозларга ҳар қандай қулай жойда хизматлар кўрсатиш учун, савдо каналларини стандартлаштириш учун шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, ушбу соҳа доирасида қуйидаги йўналишларда ишлар давом эттирилади:

- халқаро стандартлар талабларига мувофиқлик;
- бизнес жараёнларини оптималлаштириш;
- мижозларга хизмат кўрсатиш учун кадрларни универсаллаштириш;
- янги иш жараёнлари ва замонавий автоматлаштирилган тизим бўйича ходимларнинг малакасини ошириш.

Шунингдек, Халқаро молия корпорацияси экспертлари билан биргаликда 2021 йил учун янги ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилди. 2021 йилнинг 1-ярмида Кузатув кенгаши аъзоларининг халқаро менежмент тизими, таваккалчиликларни бошқариш соҳасида ишлаб чиқилган скоринг, рейтинг ва ҳисоботларни жорий этиш ва такомиллаштириш бўйича таълими яқунланади. Корпоратив бизнес йўналиши бўйича йилнинг 2-чораги охирига келиб қуйидагиларга эришиш кўзда тутилган:

- масофадан туриб олиш имконияти бўлган, пул оқимида асосланган 2 та янги кредит маҳсулотларини жорий этиш
- тизимли молиялаштириш стратегияси ва режасини ишлаб чиқиш, шу жумладан истиқболли лойиҳалар рўйхатини шакллантириш

2021 йилнинг 3-чорагида кичик ва ўрта бизнес учун консалтинг ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича банк хизматларининг янги турини таклиф қилиш, ва экспорт ҳажмини ошириш учун янги халқаро бозорларни излашни ташкил этиш режалаштирилган. Чакана бизнес йўналиши бўйича жорий йил охирига қадар корпоратив, кичик ва ўрта бизнес инфратузилмаси ходимлари учун чакана хизматларнинг барча турларини қамраб олиш бўйича ишларни якунлаш кўзда тутилган.

2021-2025 йиллар учун Кадрларга оид стратегияга мувофиқ, 2021 йил 4-чорагининг охирига келиб HR йўналиши бўйича таълим олиш, малака ошириш ва ҳар бир ходимнинг самарадорлигини баҳолаш учун KPI-моделини жорий этиш бўйича янги IT – ечимлар жорий этилади. Ҳисобот йили давомида “Яшил Банкинг” йўналиши бўйича мижозларнинг эҳтиёжларини ҳисобга оладиган экотизим яратилади, ихтисослашган «яшил» молиявий маҳсулот таклиф этилади. «Яшил» брендингни ўз ичига олган стратегия ва маркетингни ишлаб чиқиш жараёни якунланади.

ХМК билан ишлаш режасининг таркибига муаммоли кредитлар билан ишлашнинг янги йўналиши киритилди, бу йўналиш кредит портфелининг сифатини яхшилашни таъминлайди, янги автоматлаштирилган механизмларни амалиётга жорий қилиш орқали илк оғоҳлантириш сигналларини аниқлаш имкониятини беради.

Банк Кузатув кенгаши аъзолари

Банк Кенгашининг Раиси

Воитов Азиз Ботирович - Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари

Банк Кенгашининг аъзолари

Мухтаров Улу бек Хакимович - Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тара иёт Фондининг ижрочи директорининг ўринбосари

Султанов Дилшод Шухратович - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг ўринбосари

Абдиназаров Бобур Каландарович – Иқтисодий ривожланиш ва камбағалликни қисқартириш вазирининг ўринбосари

Мустафаев Хуршед Бахтиёрович - Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги департаментининг директори

Банк Кенгашининг мустақил аъзолари

Юлия Александровна Айзуп - ОАЖ “Сбербанк” (Россия) раисининг маслаҳатчиси

Кристоф Александр Ханс-Юрген фон Гляйх - Глобал қурилиш компаниясининг Директорлар кенгашининг аъзоси (Қозоғистон)

Фердинанд Виллем Туинстра - “Travel Union” компаниясининг кузатув кенгашининг аъзоси (Литва)

Якубов Мурат Акбарович - “Grant Thornton Uzbekistan” халқаро аудиторлик компаниясининг ҳамкори

Кузатув Кенгашининг аъзолари томонидан халқаро стандартларга мувофиқ Кенгашнинг ҳузурида 5 та янги қўмитанинг тузилиши тўғрисида қарор қабул қилинган:

Аудит қўмитаси

Таваккалчиликларни назорат қилиш қўмитаси

Тайинлашлар ва мукофотлаш бўйича қўмита

Стратегия қўмитаси

Йирик битимлар ва тузилишидан

Манфаатдорлиги бўлган битимлар бўйича қўмита

Аудит қўмитаси

Қўмитанинг раиси – Мухтаров У.

Қўмитанинг аъзолари – Айзуп Ю., Султанов Д.

Тегишли ички назорат тизимини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида Аудит қўмитаси тузилди, унинг таркибига Ўзсаноатқурилишбанк

Кенгашининг 3 аъзоси киради. Аудит қўмитаси таркибига Кенгашнинг ички аудит соҳасида катта тажрибага эга бўлган битта хорижий мустақил аъзоси аъзоси (Ю. Айзуп) киритилган.


Қўмитанинг 2020 йилга мўлжалланган иш режаси тасдиқланди. Ушбу режага мувофиқ аудиторлик хизмати вазиваларини бажарилишини назорат қилиш, ҳар чорақда ўтказиладиган аудит ҳисоботларини ўрганиш ва Банк Кенгашига тақдим этиш, ва ҳоказо масалалар киритилган. Аудит қўмитасининг режаси тўлиқ бажарилди.

Банк Кенгашининг таркибида ўз фаолиятини банк Кенгаши томонидан тасдиқланган низомга мувофиқ олиб борган Аудиторлик қўмитаси мавжуд. Регламентнинг 4-бандига биноан, Қўмитанинг асосий вазифаларидан бири бўлиб Банк Кенгашига молиявий институтнинг ташқи ва ички аудити, шунингдек молиявий ҳисобот ва ахборотни очиш масалаларида ҳамда сиёсатини шакллантиришда ёрдам беришдир.



Қўмитанинг асосий вазифалари ва ваколатлари

- Қўмита фаолиятининг асосий вазифаси Банк Кенгашига қуйидагиларда ёрдам бериш ҳисобланади:
- Ҳар бир ички аудитнинг ўтказилиши юзасидан тақдим этилган Аудит хизматининг ҳисоботларини ўрганиш;
- Ҳар чоракда ички аудит ҳисоботларини ўрганиш ва уларни Банк Кенгашига тақдим этиш;
- Ташқи аудиторлар учун техник топшириқларни ишлаб чиқиш жараёнида Банк Кенгашига қўмаклашиш;
- Ички аудит хизмати ва ташқи аудиторларнинг тавсиялари бажарилишини бошқариш бўйича ишларни Банк Бошқаруви раиси билан мувофиқлаштириш;
- Ташқи ва ички аудитнинг аудиторлик текширувлари жараёнида аниқланган муаммолар ва камчиликларни бартараф этиш, шунингдек Банк Бошқаруви томонидан аудиторларнинг тавсияларини бажарилишини назорат қилиш;
- Бошқарув аъзолари ва бошқа банк бўлинмалари раҳбарларининг Аудиторлик хизмати фаолиятига, шунингдек текширишлар мазмуни ва ҳажмига аралашувини чеклаш ва мустақиллигини таъминлаш;
- Бош аудиторнинг таклифига биноан аудиторлик хизмати ходимларини тасдиқлаш;
- Банкнинг ташқи ва ички аудити, шунингдек молиявий ҳисобот ва ахборотни ошкор қилиш масалалари бўйича Банк сиёсатини шакллантириш;
- Банкнинг ички ва ташқи аудитининг мустақил ва тўғри сифатини таъминлаш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш;
- Банкнинг ички аудит хизмати билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва унинг фаолиятини назорат қилиш;
- Банк Кенгашига ташқи аудиторнинг таклифларини баҳолашда қўмак кўрсатиш, Банк Кенгашига ташқи аудиторни танлаш бўйича тавсиялар тайёрлаш;
- Ташқи аудиторнинг мустақиллигини баҳолаш, ташқи аудитнинг қўлами ва ўтказилиш частотасини аниқлаш, Банкнинг ташқи аудитори иш ҳақини белгилаш;
- Ташқи аудиторларнинг ҳисоботларини, шу жумладан раҳбариятга мўлжалланган хатни кўриб чиқиш ва уларни Банк Кенгашига тақдим этиш;
- Ташқи аудиторлик текширувини ўтказиш жараёнини таъминловчи ҳамда ташқи аудиторлик текшируви сифатини баҳолашда Банк билан ташқи аудитор ўртасидаги ўзаро алоқаларни амалга ошириш ва муносабатларини тўхтатиш;
- Банкнинг молиявий ҳисоботини амалга ошириш учун асос бўлган ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва текшириш устидан назорат қилиш;



- Банкда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва амалиётини назорат қилиш;
- Банкда ҳисобот ва ахборотни ошкор қилишни ташкил этиш тизимларининг яхлитлигини таъминлаш;
- Банк томонидан молиявий ҳисобот бериш жараёнини назорат қилиш



Таваккалчиликларни назорат қилиш қўмитаси
Қўмитанинг раиси – Фердинанд Туинстра.
Қўмитанинг аъзолари – Якубов М., Мустафоев Х.

Таваккалчиликларни назорат қилиш қўмитаси банкнинг хатарларга мойиллигини аниқлаш, таваккалчиликларни бошқариш ва уларни қабул қилишни назорат қилиш, шунингдек пруденциал меъёрлар ва лимитларга риоя этилишини таъминлаш, капитални ва ликвидликни бошқариш режаларини ҳамда банкнинг ички назорат тизимини қўллаб-қувватлаш учун ташкил этилган.

Қўмита Банк Кенгашининг қарори билан шакллантирилади. Қўмитанинг таркиби Банк Кенгашининг қарори билан тасдиқланади. Қўмитанинг аъзолари фақат Банк Бошқаруви томонидан сайланиши мумкин. Қўмитанинг таркибига Қўмита Раиси билан биргаликда Банк Бошқарувининг камида 3та аъзоси кириши мумкин. Қўмитанинг аъзолари банклар ёки бошқа молия институтлари фаолиятида таваккалчиликларни бошқариш бўйича тажрибага эга бўлиши, ва Қўмита аъзолари сифатида ўз ваколатларини амалга ошириш учун махсус билимларга эга бўлиши керак. Қўмитага сайланган аъзоларнинг ваколат муддати Банк Бошқаруви томонидан белгиланади.

Қўмита фаолиятининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1) Банк Кенгашига таваккалчиликларни бошқариш стратегиясини, Банкнинг таваккалчиликларни таҳлил қилиш ва назорат қилиш сиёсатини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда, ички назорат тизимини яратиш ва ишлашини таъминлашда, шунингдек, Банкда комплаенс-назорат функциясини амалга оширишда қўмаклашиш;

2) Банк Кенгашига тегишли сиёсат ва қоидаларга риоя қилиш, таваккалчиликларни бошқариш ва ички назорат тизимларининг ишлаши масалалари бўйича Банк Бошқаруви фаолиятини назорат қилишда ёрдам кўрсатиш, шунингдек комплаенс-назорат хизматининг комплаенс-таваккалчиликларини бошқариш функциясини амалга ошириши доирасида, унинг Банк Бошқаруви билан ўзаро алоқаларини таъминлаш;

3) Банк Кенгашига Банкнинг таваккалчилик маданиятини шакллантириш, сақлаш, баҳолаш ва ривожлантиришда қўмаклашиш, Банкнинг ички назорат ва комплаенс-назорат тизимларини қонунчилик талабларига ва мақбул бўлган халқаро амалиётга мувофиқ такомиллаштириш режаларини ишлаб чиқиш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнида таваккалчиликлар тўғрисида хабардорликни таъминлаш;

4) Банк Кенгашига таваккалчиликка мойиллик (риск-аппетит) параметрларини аниқлаш, банкнинг капитали ва ликвидлилигининг ҳажми ва сифатига қўйиладиган мақсадли талабларни аниқлаш, Банк операциялари бўйича лимитлар тизимини ва таваккалчилик профилининг асосий кўрсаткичларини яратиш бўйича таклифлар ва тавсиялар бериш;

5) Банк фаолиятининг ҳозирги ва келажак даврларидаги муҳим таваккалчиликлари, уларни минималлаштиришнинг оптимал усуллари, таваккалчиликларни бошқариш тизими, ички назорат ва комплаенс-назорат тизимларидаги мавжуд ва эҳтимолий нуқсонлар ҳамда бундай камчиликларни бартараф этиш чоралари тўғрисида Банк Кенгашини хабардор қилиш;

6) Банк Кенгашига Банкнинг бош таваккалчилик-менеджери, комплаенс-назоратчи ва комплаенс-назорат хизмати билан, уларнинг ваколатлари ва масъулияти юзасидан ўзаро муносабатлари масалаларида ёрдам кўрсатиш, Банк Кенгаши аъзоларининг таваккалчиликларни бошқариш тизими, ички назорат ва комплаенс-назорат тизимларининг иштирокчилари билан мунтазам вертикал алоқаларини ташкил этиш;

7) Банк Кенгашига Банкда таваккалчиликларни бошқариш тизими, ички назорат ва комплаенс-назорат соҳаларининг ишлаши ва ривожланиши масалалари юзасидан қарорларни ишлаб чиқиш жараёнида ёрдам бериш;

8) Банк Кенгашига корпоратив қадриятларни, тегишли кодекслар, сиёсатлар ва жараёнларни белгилаш ва уларга риоя қилишни таъминлаш билан боғлиқ қарорларни ишлаб чиқишда ёрдам бериш;

9) Банк Кенгашига корпоратив қарорларни атрофлича қабул қилишни, қонунчиликка ва Банкнинг ички низомлари ва қоидаларига риоя қилинишини ривожлантиришда шунингдек, Банкнинг обрўси йўлида таваккалчиликларни лозим даражада кўриб чиқишни ва камайтиришни таъминлаш йўналишида ёрдам кўрсатиш;

10) Банк Кенгашига ушбу Низомга мувофиқ Қўмитанинг ваколатига киритилган бошқа масалалар бўйича қарорларни ишлаб чиқишда кўмаклашиш

Қўмитанинг негизида йиллик иш режалари мавжуд бўлиб, ҳозирги вақтда ушбу режаларда белгиланган барча вазифалар ўз вақтида бажарилмоқда. Қўмита ўз ишини Комиссиянинг йиллик иш режасига мувофиқ амалга оширади, бу режа Қўмита томонидан ишлаб чиқиши ва Банк Бошқаруви томонидан тасдиқланиши керак. Банк Бошқаруви томонидан тасдиқланган иш режаси Қўмитанинг таклифига биноан ўзгартирилиши ва/ёки тўлдирилиши мумкин.

Ахборотнинг шаффофлигини таъминлаш мақсадида, Қўмитанинг аъзолари Банк Бошқаруви ва Қўмита томонидан кўриб чиқиладиган ҳар қандай масала юзасидан тўлиқ асосланган хулоса бериш учун керакли ва етарли миқдордаги маълумотни ва ҳужжатларни олиши керак. Шунингдек, улар Қўмитанинг олдида турган ҳар қандай масалалар бўйича ўз фикрларини билдириши ва ушбу таклифларни Қўмита мажлисининг баённомасида акс эттиришни ёки Қўмита мажлисининг баённомаларига унинг ёзма шарҳларини Қўмита қарори билан бирга киритишни сўраши мумкин. Агар Қўмитанинг аъзоси Қўмитанинг кун тартибидаги масала бўйича, шунингдек қонун ҳужжатларида ёки банкнинг ички ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда қарор қабул қилишдан шахсан манфаатдор бўлса, у овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайди. Қўмитанинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Қўмитанинг ҳар бир аъзоси фақат ўзи учун овоз бериши мумкин. Қўмитанинг бошқа аъзоси номидан овоз беролмайди. Баъзи ҳолларда Қўмитанинг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан қабул қилиниши мумкин. Сиртдан овоз бериш йўли билан Қўмитанинг қарорларини қайта кўриб чиқиш Қўмита Раиси томонидан якка тартибда ва Қўмитанинг аъзолари билан келишилган ҳолда, масалаларнинг мураккаблигини ва тезкор кўриб чиқишнинг зарурлигини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Сиртдан овоз бериш орқали қарор қабул қилиш, овоз бериш бюллетенлари (қоғоз ёки электрон шаклда) Қўмита раиси томонидан белгиланган муддат ичида олинганда ҳамда ушбу бюллетенларнинг сони бўйича кворум мавжуд бўлганида, кучга киради. Кун тартибидаги масалалар йиғилган бюллетенларда акс эттирилган овоз натижаларига кўра қабул қилинади. Агар бюллетенлар белгиланган муддатдан сўнг тақдим этилса, овоз бериш натижаларини чиқаришда кворум ҳисобга олинмайди.

Стратегия Қўмитаси

Қўмитанинг раиси – Якубов М.

Қўмитанинг аъзолари – Воитов А., Александр фон Гляйх.

Қўмита фаолиятининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Банк манфаатдор томонларнинг эҳтиёжларини инобатга олиш орқали, юқори стандартларга қатъий риоя қилади ҳамда энг мақбул халқаро тажрибадан фойдаланган ҳолда, Корпоратив бошқарув тизимини доимий ва изчил такомиллаштириш устида ишлайди. Халқаро даражага мувофиқлигини таъминлаш мақсадида хусусан ўз фаолиятини замонавий, динамик ривожланаётган ва молиявий барқарор ва ҳар жиҳатдан акциядор ва ҳамкоркорларга аҳамият касб этиш нуқтаи-назаридан кўп қиррали институтга айлантириш юзасидан 2018 йилда Банк Халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорлик тўғрисида битим тузди. Халқаро молия корпорацияси (ХМК) билан ҳамкорликда ва маслаҳатчиларининг фаол иштироки туфайли корпоратив бошқарув тизимида муҳим натижаларга эришилди.

Қўмиталарнинг самарали ишлашини таъминлаш учун Қўмиталар тўғрисидаги Низомлар тайёрланди ва тасдиқланди, унда Қўмиталарнинг асосий вазифалари ва уларнинг ишлаш тамойиллари аниқ ифодаланиб шакллантирилди.

Бош банкнинг тегишли департаментлари билан Қўмиталарнинг ўзаро коммуникациясини мувофиқлаштириш мақсадида, Банк Кенгаши томонидан етакчи мутахассислар ҳисобидан тайинланган Департаментлар фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган котиблар орқали алоқа қилиш усуллари аниқланди.

Бизнеснинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида корпоратив бошқарувнинг юқори стандартларига риоя қилишнинг муҳимлигини тан олган ҳолда, Банк Кенгашининг таркибида жиддий ўзгаришлар амалга оширилди. 2020 йилнинг 9-июнида бўлиб ўтган Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида, Банк Кенгашининг таркиби «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг талабларига мувофиқ янгиланди.

Бунда, Банк Кенгашининг 9 нафар сайланган аъзосидан 4 нафари таваккалчиликларни бошқариш ва аудит соҳасида, шунингдек хорижий молия институтлари ва тижорат банкларининг корпоратив бошқарув органлари йўналиши бўйича катта тажрибасига эга бўлган мустақил директорлардир.

2020 йилда Банк Кенгашининг ҳузуридаги барча қўмиталарга мустақил аъзоларни сайлаш таъминланди, бунда учта қўмитанинг таркибидаги мустақил аъзолар Қўмиталар раиси сифатида сайланган (Таваккалчиликларни назорат қилиш қўмитаси, Тайинлаш ва мукофотлаш қўмитаси ва Стратегия қўмитаси).

Ҳисобот йилида АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» Кенгаши ҳузуридаги Стратегия қўмитаси тўғрисидаги Низом тасдиқланди.

2019-2020 йиллар мобайнида Банк Кенгаши ҳузуридаги қўмиталарнинг 50та корпоратив йиғилишлари ўтказилди. Кенгаш, унинг қўмиталари хусусан ҳар бир аъзосининг ишини ҳар йили баҳолаш механизми ишлаб чиқилган.

Режалаштирилган давр учун Банк Кенгаши, унинг ҳузуридаги қўмиталар, ҳамда Кенгашнинг ҳар бир аъзоси фаолиятини баҳолашни ўтказишнинг мақсад ва вазифалари ишлаб чиқилди. Банк Кенгаши ҳузуридаги қўмиталарнинг фаолияти тасдиқланган иш режасига мувофиқ амалга оширилади. Шунингдек, Банкнинг ривожланиш стратегиясига мувофиқ, акциядорларнинг қарорига биноан Банк Кенгашининг таркибида мустақил директорлар сонини кўпайтириш тўғрисида ҳулоса қабул қилинди. Кенгаш аъзолари учун белгиланган малакавий талабларга ва Банкнинг ривожланиши стратегиясига мувофиқ, Банк Кенгашига сайлаш учун номзодларни танлаш ва рўйхатини шакллантириш режалаштирилган.

Банк Кенгашининг ва унинг қўмиталарининг кундалик фаолиятини самарали ташкил этиш корпоратив бошқарувнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Менеджмент томонидан қабул қилинадиган бошқаришга оид қарорларнинг максимал даражада ошкоралиги ва асосланганлигини таъминлаш мақсадида, Банк ўз фаолияти тўғрисидаги маълумотларни барча фойдаланувчилар тарафидан ҳеч қандай тўсиқсиз олиши учун имкон яратади ҳамда сифатини ошириш сиёсатига амал қилади ҳамда Банк веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акс эттирилади. Банк корпоратив бошқарувни янада такомиллаштириш ва молиявий соҳада халқаро миқёсда тан олинган ёндашувларни жорий этиш мақсадида барча саъй-ҳаракатларни қилмоқда.

Қўмита фаолиятининг асосий вазифаси қуйидаги масалаларда Банк Кенгашига тавсиялар беришдан иборат:

- а) Банк Кенгаши томонидан молиявий институтнинг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш тасдиқлаш ва амалга ошириш бўйича асосланган ва самарали қарорларни қабул қилиши;
- б) Банкнинг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- в) Банк Бошқаруви билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва Банк Бошқарувининг фаолияти устидан жорий назоратни амалга ошириш;
- г) Банк номидан (агар бундай зарурият бўлса) Банкка нисбатан назорат функцияларини амалга оширувчи давлат органлари билан, шунингдек бошқа давлат ташкилотлари ва манфаатдор учинчи шахслар билан оператив ўзаро алоқалар ўрнатиш

Тайинлаш ва мукофотлаш Қўмитаси

Қўмитанинг раиси – Александр фон Гляйх.

Қўмитанинг аъзолари – Воитов А., Абдиназаров Б.

Қўмита фаолиятининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Қўмита фаолиятининг асосий вазифаси қуйидаги масалалар юзасидан Банк Кенгашига тавсиялар беришдан иборат:

а) бошқариш жамоасини танлаш, рағбатлантириш, ва зарур ҳолларда алмаштириш, шу жумладан Кенгашга аъзо бўлиш учун тегишли малакага эга бўлган номзодларни аниқлаш, ҳамда ушбу шахсларни Кенгашга сайлаш учун номзод сифатида кўрсатиш бўйича тавсиялар тайёрлаш;

б) Банк Кенгаши ва Бошқаруви аъзоларига номзодларни танлашда шаффофликни таъминлаш;

в) Банк Кенгашининг қўмиталарини шакллантириш;

г) Кенгаш ва унинг қўмиталари фаолиятини самарадорлигини мунтазам баҳолашдан ўтказиш;

д) Кенгаш аъзолари томонидан Бошқарув, Тафтиш комиссияси аъзоларининг меҳнатига ҳақ тўлашга боғлиқ бўлган жараёнда вазифаларни бажарганликларини ҳисобга олиш;

е) Банк Кенгаши томонидан моддий рағбатлантириш режаларини атрофлича шакллантириш ва амалга ошириш, шунингдек унинг ходимлари томонидан Банк акцияларини сотиб олиш устидан назоратни амалга ошириш;

ё) банкнинг йиллик ҳисоботининг бир қисмини ташкил этадиган рағбатлантириш сиёсати ва амалиёти хусусида йиллик ҳисоботни тайёрлаш

ж) Кенгаш аъзолари ва асосий бошқарув ходимларига тўланадиган ҳақ ва мукофотларни тўлаш тўғрисидаги маълумотларнинг тегишли равишда ошкор қилинишини таъминлаш

Йирик битимлар ва тузилишидан манфаатдорлиги бўлган битимлар бўйича қўмита

Қўмитанинг раиси – Абдиназаров Б.

Қўмитанинг аъзолари – Фердинанд Туинстра, Мустафоев Х.

Қўмита фаолиятининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Қўмита манфаатлар тўқнашувини тегишли равишда бартараф этилишини таъминлаш, Банк ва унинг акциядорларининг мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилиш хусусида Банк Кенгашига олдиндан ўрганиш ва тавсиялар бериш мақсадида тузилган.

Банк йирик битимларни тузаётганда, Банк манфаатдор бўлган операциялар (банк фаолияти доирасидан ташқаридаги келишувлар шу жумладан бошқа / бўлак транзакциялар) яъни молия институтининг мунтазам фаолияти билан боғлиқ бўлмаган операциялар (кейинги ўринларда Келишув деб аталади) шунингдек, битимлар тузишда суиистеъмол қилинишини олдини олиш ва битимлар бўйича Банк Кенгаши қарорларини қабул қилиш жараёнида шартномаларнинг салбий таъсирини минималлаштириш ҳамда тавсиялар бериш. «Йирик битим» ва «акциядорлик жамияти томонидан тузилишидан манфаатдорлик мавжуд бўлган битим» тушунчалари «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгилаб берилган. Баъзи ҳолларда, бўлак келишувлар туркумига Банкни қайта ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжатлар, шўба корхоналарнинг устав капитали ёки мулкни шакллантириш, банкнинг консортциумларда иштирок этиши, молиявий институт мажбуриятларини Банк активлари қийматининг 25% кўпроғига ошириш ва Банкнинг асосий фаолиятларига мос келмаслиги бошқа операциялар киради. Қўмита фаолиятининг асосий вазифалари қуйидаги масалаларда Банк Кенгашига тавсиялар беришдан иборат:

а) битимларни тузиш ва амалга ошириш билан боғлиқ бўлган манфаатлар тўқнашувининг, инсайдерлик маълумотидан фойдаланишнинг салбий оқибатларининг олдини олишга, ҳамда инсайдерлар савдосининг йўл қўйилмаслигига қаратилган Банкнинг ички қоидаларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш;

б) битимларни амалга ошириш шартлари ва тартиби, уларнинг бажарилишини назорат қилиш, шунингдек, Битимларнинг тузиш ва рўёбга чиқариш тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиш масалалари билан боғлиқ бўлган Банкнинг ички қоидаларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш;

в) Битимларни тузиш ва амалга ошириш билан боғлиқ бўлган бизнес-жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларга риоя этилишини таъминлаш бўйича Бошқарувнинг фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;

г) Келишувларни тузиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ёки Банк акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тегишли қарор қабул қилиниши мақсадида Битимлар тузиш масаласини олиб чиқиш;

д) ушбу Низомга мувофиқ Қўмитанинг ваколатига киритилган бошқа масалалар бўйича қарорларни ишлаб чиқиш

Жорий йил учун режаларга ишлаб чиқилган Битимлар тузиш шартлари ва тартиби тўғрисидаги Тартибнинг тўғри бажарилишини назорат қилиш, шунингдек Банк Кенгашига Қўмитага юборилган йирик битимлар ва тузилишидан манфаатдорлик мавжуд бўлган битимлар бўйича қарорлар, ҳулосалар ва тавсиялар бўйича қилинган ишлар тўғрисида, шунингдек унинг фаолияти тўғрисида ҳисобот бериш киритилган. Жорий йил режасига мувофиқ битимлар тузиш шартлари ва тартиби тўғрисида ишлаб чиқилган Процедурасининг тўғри бажарилиши устидан назорат қилиш шунингдек, қабул қилинган қарорлар, тузилган битимлар ва муайян манфаат билан қилинган битимлар хусусида ҳулосалар ва тавсиялар ҳамда бажарилган ишлар юзасидан Қўмитага юборилган ахборот бўйича ҳисоботни тақдим этиш.

Корпоратив маслаҳатчи

Банкнинг бошқарув органлари ва мансабдор шахслари томонидан корпоратив бошқарув устидан назорат тартиби, амалдаги қонун ҳужжатлари ва банк Низоми шунингдек ушбу Кодекс талабларига ҳамда Банкнинг ички ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида акциядорларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини амалга оширилишини кафолатлайдиган Банк корпоратив маслаҳатчиси лавозими жорий этилди.

Корпоратив маслаҳатчи Банк Кенгашининг қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади, унга ҳисобот беради, ва унинг фаолияти устидан Банк Кенгаши томонидан назорат қилинади. Корпоратив маслаҳатчининг фаолияти Корпоратив маслаҳатчи тўғрисидаги низом билан тартибга солинади. Корпоратив маслаҳатчи Банкнинг мансабдор шахси ва Банкнинг таркибий бўлими - Корпоратив бошқарув хизматининг раҳбари ҳисобланади. Корпоратив маслаҳатчининг асосий вазифаси - акциядорлар ва Банк, Кенгаш ва Бошқарув ўртасидаги самарали ўзаро муносабатларни ташкил этиш, шу жумладан Банк акциядорларининг умумий йиғилиши ва Банк Кенгашининг қарорларини бажаришда ижро интизомини назорат қилишдир. Банк Корпоратив маслаҳатчининг мустақиллигини таъминлаш учун зарур чораларни кўради, Корпоратив маслаҳатчининг ўз вазифаларини тўсиқларсиз ва самарали бажариши учун шароит яратади.

Корпоратив маслаҳатчи Банк Кенгаши ҳузуридаги Қўмиталар ишини назорат қилади;

Банк Кенгашининг йиғилишларни тайёрлайди ва ташкиллаштиради

Банк Бошқаруви

- Бошқарув Раиси - Аннакличев Сахи Сапармухамедович (29.08.1975й.)
- Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари – Акбаржонов Азиз Акбаржонович (11.09.1985й.)
- Бошқарув Раисининг ўринбосари – Азимов Зафар Абдумажитович (14.02.1985й.)
- Бошқарув Раисининг ўринбосари – Якубов Шухрат Исраилович (16.12.1967й.)
- Бошқарув Раисининг ўринбосари – Таваккалов Улугбек Уктамович (20.11.1978г.)
- Бошқарув Раисининг ўринбосари – Эргашев Анваржон Абдумажитович (05.10.1973й.)
- Юридик департаментнинг директори – Норхужаев Бахритдин Нуритдинович (14.06.1964й.)
- Бош бухгалтер – Вохидов Ойбек Розикович (02.05.1980й.)

Кредит Қўмитаси

Бошқарув Раисининг ўринбосари – Кредит қўмитасининг Раиси;
Бошқарув Раисининг ўринбосари – Кредит қўмитаси раисининг ўринбосари;
Юридик департаментнинг директори – Кредит қўмитасининг аъзоси;
Ғазначилик Департаментининг директори – Кредит қўмитасининг аъзоси;
Корпоратив бизнес Департаментининг директори – Кредит қўмитасининг аъзоси;
Кичик бизнесни кредитлаш Департаментининг директори – Кредит қўмитасининг аъзоси;
Муаммоли кредитлар билан ишлаш Департаментининг директори – Кредит қўмитасининг аъзоси

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ филиалининг Кредит комиссиясининг таркиби

Минтақавий филиал:

Минтақавий филиал бошқарувчиси – Кредит комиссиясининг раиси;
Бошқарувчининг ўринбосари – Кредит комиссияси раисининг ўринбосари;
Ҳуқуқий маслаҳатчи – Кредит комиссиясининг аъзоси;
Юридик шахсларни кредитлаш бўлимининг бошлиғи – Кредит комиссиясининг аъзоси;
Кредитларни мониторинг қилиш бўлимининг бошлиғи – Кредит комиссиясининг аъзоси

Филиаллар

Филиал бошқарувчиси – Кредит комиссиясининг раиси;
Бошқарувчининг ўринбосари – Кредит комиссияси раисининг ўринбосари;
Ҳуқуқий маслаҳатчи – Кредит комиссиясининг аъзоси;
Юридик шахсларни кредитлаш бўлимининг бошлиғи – Кредит комиссиясининг аъзоси;
Кредитларни мониторинг қилиш бўлимининг бошлиғи – Кредит комиссиясининг аъзоси

Қўмитанинг функциялари

- Филиаллар учун белгиланган лимитлардан ортиқ бўлган кредит операцияларини кўриб чиқиш;
- Банкнинг Бошқаруви томонидан айрим кредит операциялари учун тасдиқланган энг кам фоиз ставкасидан паст ставкаларни белгилаш;
- Кредит операциялари ва унга тенглаштирилган операциялар амалиётини такомиллаштириш;
- Миқдори биринчи даражали банк капиталининг 10%дан кўп бўлмаган кредит операциялари бўйича мустақил қарор қабул қилиш;
- Муаммоли активларни «кутилмаган ҳолатлар» ҳисобварақларига ўтказиш бўйича Банк Бошқарувига тавсиялар бериш;
- Қўмиталар томонидан кўриб чиқилган лойиҳаларнинг шартларидаги ўзгаришларни кўриб чиқиш;
- Таркибий бўлинмалар ишининг натижаларини кўриб чиқиш;
- Муаммоли кредитлар ва уларга тенглаштирилган операциялар бўйича жорий ишлаш масаласини кўриб чиқиш;
- Кредитлар ва унга тенглаштирилган операциялар учун муддатларни узайтириш масаласини кўриб чиқиш;
- Филиалларнинг кредит ваколатларини кенгайтириш ёки чеклаш масаласини кўриб чиқиш;
- Филиаллар лимитларидан ортиқ бўлган лойиҳаларни молиялаштириш учун кредит ажратишда Кредит комиссияларига бир марталик ваколатларни бериш;
- Фоиз ўстириш мақомини тиклаш тўғрисида қарорларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш;
- Филиаллар учун битта қарз олувчи ёки бир гуруҳ қарз олувчилар учун кредит лимитларини белгилаш;
- Қўмита ўз олдига қўйилган вазифаларга боғлиқ ҳолда бошқа функцияларни ҳам бажариши мумкин

Активларни ва Пассивларни бошқариш Қўмитаси

Қўмитанинг асосий мақсади – банк активлари ва пассивларини узлуксиз самарали бошқариш, ликвидликнинг мақбул даражасини таъминлаш ҳамда фоизлар, валюта ва ликвидлик таваккалчиликларини бошқаришга алоҳида эътибор бериш орқали банк фаолиятида юзага келадиган таваккалчиликларни оптималлаштиришдир. Қўмитанинг асосий вазифалари қуйидагилар:

- Банк балансининг энг оптимал тузилишини шакллантириш;
- Банк ликвидлигини бошқариш сиёсатини белгилаш;
- Капиталнинг етарлилигини назорат қилиш ва таваккалчиликларни диверсификациялаш;
- Қўмитанинг асосий мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган ички тартибларни ва ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

Қўмита 7 нафар аъзодан иборат:

Қўмитанинг раиси – Банк Бошқарувининг Раиси;

Қўмита раисининг ўринбосари – Бошқарув Раисининг ўринбосари (Ҳазначилик фаолиятини мувофиқлаштирувчи);

Ҳазначилик Департаментининг директори;

Бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботи департаментининг директори;

Банк стратегик ривожланиши ва инновациялар Департаментининг директори;

Таваккалчиликларни бошқариш Департаментининг директори;

Транзакцион банкинг Департаментининг директори

Инвестициялар қўмитаси

Инвестициялар қўмитаси банкнинг инвестиция портфелини бошқаришни амалга оширувчи ва Банк Кенгаши томонидан берилган ваколатлар асосида фаолият юритувчи доимий ишлайдиган коллегиял органдир.

Қўмитанинг таркиби банкнинг 5 нафар мансабдор шахслари қилиб белгиланган:

Қўмита раиси – банкнинг инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Бошқарув раисининг ўринбосари, бу ерда Қўмита аъзолари қуйидагилардан иборат:

Корпоратив мижозларни молиялаштириш департаментининг директори;

Юридик департаментнинг ҳуқуқий таъминоти бўлими бошлиғи;

Ҳазначилик департаментининг директори;

Корпоратив мижозлар билан ишлаш департаменти директорининг ўринбосари.

Ҳозирда банкнинг трансформацияси муносабати билан унинг таркибий бўлинмалари номлари ўзгартирилмоқда ва шу сабабдан Қўмита таркиби қайта кўриб чиқилмоқда.

Қўмитанинг асосий мақсади «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ инвестицион фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш ва қимматли қоғозлар портфелининг шакллантирилишини тартибга солишдир.

Шу мақсадда Қўмита қуйидаги функцияларни бажаради:

қарз қимматли қоғозларига, шу жумладан давлат қимматли қоғозларига маблағлар киритиш;

корхоналар, шу жумладан шуъба корхоналарнинг устав капиталига (акцияларига)

инвестициялар киритиш масалаларини ўрганиш ва кўриб чиқиш, кейинчалик Банк

Бошқарувига ва Кенгашига таклифларни киритиш;

инвестициялар портфелини мониторинг қилиш, таҳлил қилиш, улар бўйича эҳтимолий зарарлар учун захираларини яратиш, уларни балансдан ташқари ҳисобрақамларга ҳисобдан чиқариш, шунингдек Банк акцияларини (инвестицияларини) сотиш шартлари кабилар билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш, Банк Кенгашига тегишли таклифларни киритиш.

Қўмитанинг мажлислари заруриятга кўра ўтказилади

Лойиҳалар қўмитаси

Лойиҳалар қўмитасининг таркиби

Банк Бошқаруви Раиси (С. Аннакличев) -

Лойиҳалар қўмитасининг раиси;

Банк Бошқаруви Раисининг маслаҳатчиси (А. Хамидов) -

Лойиҳалар қўмитаси раисининг ўринбосари;

Таваккалчиликларни бошқариш Департаментининг директори (З.Усмонов);

Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий

бошқариш Департаментининг директори (О. Воҳидов);

Банкнинг стратегик ривожланиши

ва инновациялар Департаментининг директори (Б.Раҳматов);

Ахборот технологиялари Департаментининг директори (А. Кенжаев);

Ички назорат Департаментининг директори (О. Икромов)

Лойиҳалар қўмитаси, Бош банкда раҳбар лавозимларни эгаллаб турган шахслар таркибидан ташкил топган.

Банкнинг Лойиҳалар қўмитаси – Лойиҳалар, Лойиҳаларнинг устуворликлари бўйича ва Лойиҳаларнинг мазмунини ўзгартириш юзасидан қарор қабул қилиш учун тузилган коллегиал орган. Ушбу Қўмита банкдаги барча лойиҳаларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш ва назорат қилиш, ҳамда муаммоларнинг олдини олиш ва уларни муддатида ҳал этиш, ўз вақтида қарорлар қабул қилиш учун тузилган.

Шунингдек, Қўмита банкни ривожлантириш ва трансформация қилиш учун стратегик аҳамиятга эга бўлган инновацион, устувор, глобал лойиҳаларнинг ташаббусларини кўриб чиқиш билан шуғулланади. Қўмита «бизнес-кейслар», ҳамда лойиҳаларнинг кўламига ва фойдасига таъсир кўрсатадиган бошқа омиллар асосида лойиҳаларни назорат қилади. Лойиҳалар қўмитаси ўз фаолиятини мажлислар шаклида амалга оширадиган мустақил коллегиал органдир.

Қўмита «бизнес-кейслар», ҳамда лойиҳаларнинг кўламига ва фойдасига таъсир кўрсатадиган бошқа омиллар асосида лойиҳаларни назорат қилади.

Лойиҳалар қўмитаси ўз фаолиятини мажлислар шаклида амалга оширадиган мустақил коллегиал органдир.

Лойиҳалар қўмитасининг йиғилишлари ҳар чорақда камида 1 (бир) марта шахсан иштирок этиш шаклида ўтказилади, жумладан банкда амалга ошириладиган лойиҳалар портфелининг хусусиятларига мувофиқ, заруриятга кўра тез-тез ўтказилиши мумкин.

Мажлислар, агар жорий тақвимий ойда бир мартадан кўпроқ талаб қилинадиган бўлса, фавқулодда ҳолатларда онлайн режимида ўтказилиши мумкин.

Бордию, жорий тақвимий ойда, йиғилиш ўтказилиши зарурати бир мартадан кўпроқ талаб қилинса, бу ҳолда истисно тариқасида кенгаш онлайн тарзда ташкиллаштирилиши мумкин.


Лойиҳалар қўмитаси раиси:

⑩ Лойиҳалар қўмитасининг фаолиятини бошқаради;

⑩ Мажлисларнинг жадвалини мувофиқлаштиради ва кун тартибини тасдиқлайди;

⑩ Лойиҳалар қўмитасининг аъзолари бўлмаган шахсларни Лойиҳалар қўмитасининг мажлисларида қатнашишга жалб қилиш тўғрисида қарор қабул қилади;

⑩ Лойиҳалар қўмитасининг ваколатлари доирасида кўрсатмалар беради ва уларнинг бажарилиши устидан назоратни ташкил қилади



Лойиҳа қўмитасининг асосий функциялари ва ҳуқуқлари:

Лойиҳа қўмитаси ўз ваколатлари доирасида қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Банкнинг Лойиҳаларни бошқариш сиёсатининг амалга оширилишини таъминлайди;

Лойиҳа ташаббусларини ва иқтисодий мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқади, лойиҳаларни ишга тушириш, тўхтатиб қўйиш ҳамда тўхтатиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

Банк лойиҳалари бўйича ҳисобот шаклини ва даврийлигини тасдиқлайди;

Лойиҳанинг Уставини ва уни амалга ошириш режасини тасдиқлайди;

Лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ бўлган таваккалчиликларни ва муаммоларни кўриб чиқади, шунингдек уларни бартараф этиш ва олдини олиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

Лойиҳа кураторини ва менежерини тайинлайди;

Лойиҳанинг амалга оширилишини назорат қилади ва унинг мақсадларига эришилишини баҳолайди;

Режалаштирилган бюджет доирасида лойиҳаларни амалга ошириш учун ресурслар ажратилишини келишиб олади;

Лойиҳалар бўйича оралиқ ва якуний ҳисоботларни кўриб чиқади;

Лойиҳанинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида лойиҳадан кейинги мониторинг режасини тайёрлаш ва тақдим этиш муддатини келишиб олади ва/ёки белгилайди;

Лойиҳа Уставига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилади;

Банкда лойиҳаларни бошқариш соҳасида бошқа ваколатларни амалга оширади.



Тендер қўмитаси

Тендер қўмитаси таркибига Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзинжиниринг» республика лойиҳалаш институти томонидан тайинланган вакиллар киради. Тендер қўмитасининг котиби маъмурий-хўжалик департаменти ходимларидан бири бўлади. Тендер қўмитасининг таркиби қуйидагилардан иборат:

Бошқарув Раисининг ўринбосари – Тендер қўмитасининг раиси;

Маъмурий-хўжалик департаментининг директори - Тендер қўмитаси раисининг ўринбосари;

Юридик департаментининг директори;

Банкнинг стратегик ривожланиши ва инновациялар Департаментининг директори;

Бухгалтерлик ҳисоби ва молиявий бошқариш Департаментининг директори;

Хавфсизлик ва ахборотни ҳимоя қилиш Департаментининг директори;

Транзакцион банкинг Департаментининг директори.

Иш ҳақи ва мукофотлаш қўмитаси

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Кенгашининг 2019 йил 25 декабрдаги 2019/12-сонли йиғилиши баённомаси билан «Банк Кенгашининг Тайинлашлар ва мукофотлар бўйича қўмитаси тўғрисида»ги Низом тасдиқланган. Ушбу Қўмита кадрларни бошқариш сиёсатларига, кадрларнинг мерос алмашуви ва алмаштирилиши, кадрларни ривожлантириш, ҳамда Бошқарув ва Тафтиш комиссияси аъзоларига ҳақ тўлаш билан боғлиқ масалалар бўйича Банк Кенгашининг қарорлари лойиҳаларини тайёрлаш, тавсияларни аввалдан ишлаб чиқиш ва бериш учун тузилган. Қўмита ўз фаолиятида Банкнинг Кенгаши олдида ҳисобдор бўлиб, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, банк Уставига ва ушбу Низомга таянади.

Қўмитанинг асосий вазифаси қуйидагилар бўйича Банк Кенгашига тавсиялар беришдан иборат:

Бошқарув гуруҳини танлаш, рағбатлантириш ва зарур ҳолларда уларни алмаштириш, шу жумладан Кенгашга аъзо бўлиш учун тегишли малакага эга бўлган номзодларни аниқлаш, шунингдек ушбу шахсларни Кенгашга сайлаш учун номзодларни кўрсатиш бўйича тавсиялар тайёрлаш;

Банк Кенгаши ва Бошқаруви аъзоларига номзодларни танлашда шаффофликни таъминлаш;

Банк Кенгашининг қўмиталарини шакллантириш;

Кенгашни мунтазам равишда баҳолаш ва унинг қўмиталари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш;

Кенгаш аъзолари томонидан Бошқарув, Тафтиш комиссияси аъзоларининг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича ўз вазифаларини бажарганлиги тўғрисидаги ҳисоботларни юритиш;

Банк Кенгаши томонидан моддий рағбатлантириш режаларини тўғри шакллантириш ва амалга ошириш, шунингдек унинг ходимлари томонидан банк акцияларини сотиб олиш устидан назоратни амалга ошириш;

Пул тўлаш сиёсати ва амалиёти тўғрисида йиллик ҳисоботни тайёрлаш, бу банкнинг йиллик ҳисоботининг бир қисмини ташкил этади;

Кенгаш аъзоларига ва асосий бошқарув ходимларига тўланадиган иш ҳақининг тегишли даражада ошкор этилишини таъминлаш.

Қўмита Банк Кенгашининг қарори асосида тузилади. Қўмитанинг миқдорий ва шахсий таркиби Банк Кенгашининг қарорлари билан белгиланади. Қўмитага фақат Банк Кенгашининг аъзолари сайланиши мумкин. Қўмита камида учта аъзодан, шу жумладан Қўмита раисидан иборат бўлиши керак.

Қўмита аъзоларини сайлашда уларнинг маълумотлари, касбий тайёргарлиги, Қўмита ваколатига кирадиган масалалар бўйича иш тажрибаси, молиявий-хўжалик ҳужжатлари билан ишлаш кўникмалари ва Қўмита аъзолари томонидан ўз ваколатларини амалга ошириш учун бошқа махсус билимлар. ҳисобга олиниши керак. Қўмитага сайланган шахслар чексиз кўп марта қайта сайланиши мумкин, чунки улар Банк Кенгашининг амалдаги аъзолари ҳисобланади.

Мукофотлаш тизими

«Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик-тижорат банки Кенгашининг аъзоларига тўланадиган ҳақни белгилаш ва тўлаш сиёсати Ўзбекистон Республикасининг банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги амалдаги қонунчилиги талабларига мувофиқ, шу жумладан банкларда корпоратив бошқарувнинг энг яхши тажрибаси ва амалиётини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 ноябрдаги 580-сонли «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ги Қонунининг 33 ва 34-моддаларига мувофиқ, «банк бошқа жиҳатлардан ташқари, таваккалчиликларни оқилона ва самарали бошқаришга мос келадиган ва кўмаклашадиган ходимларни мукофотлаш ва ҳақ тўлаш сиёсатини ва усулларини белгилаб берувчи, корпоратив бошқарувнинг аниқ кўрсатилган ташкилий тузилмасига эга бўлиши» керак, Банк Кенгашининг ваколатига эса «Банкнинг бошқа ички сиёсатини амалга оширишни тасдиқлаш ва назорат қилиш» киритилган.

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ ўз Кенгашининг аъзоларига Банкдаги вазифаларини бажарганлиги учун ҳақ тўлайди. Банк Кенгаш аъзоларига тўланадиган ҳақ ва мукофот тўғрисидаги маълумотлар банк акциядорларини ташвишга тушишига асос бўлиши мумкинлигини билади ва бу ҳолда (унинг тузилиши, ҳажми ва ҳақиқий тўловлари) Банк фаолиятининг узоқ муддатли натижалари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик масалалари юзасидан алоҳида қизиқиш уйғотишини тан олади. Банк, шунингдек, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг (ИХРТ) Корпоратив бошқарув тамойилларига мувофиқ, Банк Кенгашининг аъзоларига иш ҳақини тўлаш бўйича сиёсатни ишлаб чиқиш ва ошкор қилишни Кенгашларнинг ижобий амалиёти сифатида тан олинади.

Шу нуқтаи назардан, ушбу сиёсатни амалга ошириш ва жорий этиш ўз навбатида Банкнинг самарали ишлашини таъминлайди ва мавжуд муаммоларни ҳал қилишга хизмат қилади, шунингдек фаолиятнинг стратегия, таваккалчилик профили, риск-аппетитига ижобий таъсир кўрсатади.

Тўғри шаклланган корпоратив бошқарувнинг энг маъқул амалиётларига кўра, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимидан фойдаланиш самарали корпоратив бошқарувнинг асосий манбаларидан бири сифатида тан олинган. Шу билан бирга, ҳар қандай мукофотлаш сиёсати, натижадорлик хусусида маълумотни ошкор қилиши керак, жумладан ўлчаб бўладиган стандартлар мезонлари асосида компаниянинг узоқ муддатли манфаатларини қисқа муддатли режалари олдида устунлигини белгилаб туриши даркор. Зеро, ушбу сиёсат Банк Кенгаши аъзолари ва унинг акциядорлари томонидан олинадиган мукофотлар узоқ муддатли манфаатларга мувофиқ белгиланиши билан шартланган.

Банк ўз сиёсатида мукофотларни белгилаш ва тўлаш мобайнида, шунингдек уни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида қуйидаги тамойилларга амал қилади:

Банк ўз сиёсатида мукофотларни белгилаш ва тўлаш мобайнида, шунингдек уни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида қуйидаги тамойилларга амал қилади:

Кенгаш аъзоларига мукофотлар амалдаги бозор шароитларига мувофиқ белгиланади (оқилона ёндашувни ҳисобга олган ҳолда) шу ўринда уларнинг расмий вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлган харажатлари эса Банк томонидан қопланади / тўланади;

Иш ҳақининг миқдори ва таркиби Кенгаш аъзосининг Кенгаш ишидаги иштироки (жалб этилиши) даражаси, малакаси ва унинг вазифаларининг мазмуни билан белгиланади;

Мукофот миқдори Кенгаш аъзоси ўз вазифаларини муносиб бажаришга ундайдиган тарзда ҳисоблаб чиқилади, бу эса ўз навбатида унинг аъзолик функцияларини бажаришда эркинлигини ва мустақиллигини таъминлайдиган омил бўлиб хизмат қилади;

Кенгаш аъзоларини тайинлаш ва уларга ҳақ тўлашда, шу жумладан жинси, ирқи, миллати, динига қараб камситишларга йўл қўйилмайди.

Йирик битимлар ва тузилишидан манфаатдорлик мавжуд бўлган битимлар

1. "Credit Suisse AG" банкининг (Лондон филиали, Буюк Британия) 100 млн евро ва 50 млн евро миқдориغا тенг йирик кредит линиясини жалб қилиш тўғрисида

2. ICBC Standard Bank кредит линиясининг 100 млн. АҚШ долларига тенг (ўзбек сўмидаги эквивалентдаги маблағларини жалб қилиш тўғрисида)

3. "Toshkent Metallurgiya Zavodi" МЧЖ ҚК нинг - «Тошкент металлургия заводининг қурилиши» инвестицион лойиҳасини молиялаштириш мақсадида, «Росэксимбанк» АЖнинг кредит линияси ҳисобига 11,5 млн. евро миқдоридаги қўшимча маблағларни жалб қилиш масаласини маъқуллаш тўғрисида - 11,5 млн. евро

4. «Toshkent Citi» маркази ҳудудида Банкнинг Бош офиси қурилиши учун, 122,2 млн. АҚШ долл. миқдорида (дастлабки маблағ) «Credit Suisse AG» банкининг (Швейцария) кредит линиясини жалб қилиш тўғрисида. 122,2 млн. долл. США

Акциядорлик капитали таркиби

2020 йил охирида Банк акциядорлари Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (82,09%), Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги (12,77%), АЖ “Ўзтрансгаз” (1,21%), бошқа юридик шахслар (3,27%) ҳамда жисмоний шахслардан иборат (0,66%).



Дивидендлар Банк тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар Банкнинг бунинг учун махсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан ҳам тўланиши мумкин. Банк акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд

Банкнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин. Акцияларнинг ҳар бир тури учун дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор, дивиденднинг ҳажми, уни тўлаш шакли ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан молиявий ҳисобот асосида қабул қилинади, агар унинг ишончлилиги тўғрисида аудиторлик ҳулосаси мавжуд бўлса. Банкнинг молиявий чоракнинг биринчи чораги, олти ой ва тўққиз ойи учун дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугаганидан кейин уч ой ичида қабул қилиниши керак. Дивидендлар миқдори Банк Кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан ошмаслиги керак.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши учун тузилган, акциядорларга дивиденд тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган Банк акциядорлари реестрида рўйхатдан ўтган шахслар акциялар бўйича дивидендлар олиш ҳуқуқига эгалар. Дивидендлар миқдори банкнинг маълум бир якунланган даврдаги молиявий фаолияти натижаларига кўра белгиланади. Барча солиқлар ва мажбурий тўловлар ва Банк фаолиятини қайта инвестициялашдан кейин Банк ихтиёрида қолган фойданинг бир қисми дивидендларни тўлашга ўтказилади.

Банк акциялари

Оддий акциялар сони – 243 551 784 442, номинал – 19 сўм, котировка нархи – 15.5 сўм.

Охирги битим санасидаги бозор нархи – 15.5 сўм.

Имтиёзли акциялар сони – 370 000 000, номинал – 19 сўм, котировка нархи – 37.21 сўм.

Охирги битим санасидаги бозор нархи – 37.21 сўм, Устав капитали – 4 634 513 904 398 сўм.

Бозор капиталлашуви – 3 788 820 358 851 сўм.

Хатарларга нисбатан позиция

Хавф аппетит – бу банкнинг бизнес-режасининг стратегик мақсадларига эришиш ва таваккал қилиш учун банк олдиндан қабул қилиш ёки рад этишга рози бўлган хатарларнинг умумий миқдори ва/ёки сифатини ифодалаш сифатида тавсифланади.

Банк ўзининг бизнес модели ва стратегиясига асосланиб қўйилади хавфларни ўз зиммасига олади:

- 1 - Кредит хавфи
- 2 - Стратегик хавф
- 3 - Бозор хавфи
- 4 - Ликвидлик хавфи
- 5 - Капиталнинг етарлилиги хавфи
- 6 - Концентрация хавфи
- 7 - Операцион хавф
- 8 - Репутация хавфи

Хавф аппетити ҳажмини белгилаш жараёни

Хатарларнинг қабул қилиш даражасини самарали бошқариш учун банк таваккал профилининг кўрсаткичлари бўйича мажбурий ёки тавсия этилиши мумкин бўлган чекловларни жорий қилади. Банк филиаллари учун мажбурий таваккалчилик лимитлари қуйидагича белгиланган максимал ва минимал лимитлардир:

Банкнинг коллегиял бошқарув органлари қарорларига мувофиқ банкнинг таваккалчилик кўрсаткичларини тавсифловчи таваккалчилик кўрсаткичлари;

Банк фаолиятининг ташқи мажбурий стандартларини тавсифловчи таваккалчилик кўрсаткичлари;

Банк билан узоқ муддатли молиявий шартномалар асосида тузилган молиявий шартномаларга хос бўлган хатарлар, шу жумладан жалб қилинган субординацияланган кредитлар;

Банк учун ушбу сиёсатга мувофиқ ўрнатилган асосий ички чекловларни тавсифловчи таваккалчилик кўрсаткичлари

Банк таваккалчилик кўрсаткичининг максимал қийматларини аниқлашда қўйидаги принциплардан келиб чиқади:

- Назорат чегара хавфи профилига нисбатан юмшоқ чегаралар ўрнатмаслиги керак, бу эса банкнинг ички ҳужжатларида белгиланган хавф аппетити кўрсаткичлари, мажбурий стандартлар, молиявий шартномалар ва бошқа мажбуриятларнинг бузилишига олиб келиши мумкин;

- Банк тузилмавий бўлинмаларини таваккалчилик кўрсаткичлари тарихий ёки мақсадли қийматлардан аҳамиятсиз четга чиқиш натижасида ўз фаолиятини амалга оширишни рағбатлантириш ва белгиланган хавф чегараларига доимо эътибор бериш;

- Молия йили учун максимал лимитлар ҳар чорақда, Банкнинг кейинги молиявий йилининг бизнес-режаси моделига мувофиқ, молиявий институт фаолиятининг ўсиш суръатларини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши керак;

- Риск-менеджмент бўлими ташаббуси билан лимитлардан ташқари юқори ёки қуйи назорат (сигнал) ўрнатилиши мумкин, бу эса чегара қийматларига яқинлашишга ва бузилишларни аниқлашга имкон беради.

Белгиланган лимитларга риоя қилинишини таъминлаш

Риск-менеджмент бўлими мунтазам равишда таваккал профил кўрсаткичлари қийматларини ҳисоблаб чиқади, ўтган давр билан таққослаганда олинган қийматларнинг ўзгаришини таҳлил қилади ва белгиланган лимитларга мувофиқлигини таъминлайди. Хатарлар профилининг кўрсаткичларини мониторинг қилиш ва ҳар бир кўрсаткич бўйича чекловларга риоя этилишини назорат қилиш натижаларига кўра, Банк таваккал профилининг ҳолатига мувофиқ қуйидаги таснифланган натижаларни олишлари мумкин:

“Паст хавф” даражаси бошқариш сигнали ва бошанғич қийматлари бузилмаса берилади;

“Ўртача хавф” даражаси фақат бошқарув сигналларининг чегара қийматлари бузилган тақдирда берилади;

Агар таваккал профилининг бошанғич қийматлари бузилган бўлса, “Юқори хавф” даражаси белгиланади;

Бордию лимитларни бузиш хавфи мавжуд бўлса, Риск-менеджмент бўлими рисклар профилининг кўрсаткичлари бўйича назорат сигналларининг қийматларини бузилган вақтини қайд қилади ва белгиланган лимитлар кўламига амал қилиш мақсадида масъул бўлимга хавф профилининг чегараларидан ошиб кетишнинг олдини олиш ва биргаликда таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида хабар беради.

Лимит бузилган тақдирда, Риск-менеджмент бўлими зудлик билан коллегиал бошқарув органлари ва ушбу профил кўрсаткичи учун белгиланган лимитларга риоя қилиш учун масъул бўлинмани хабардор қилади ва дарҳол ортиқча хавфни бартараф этиш ёки тегишли таваккални қайта кўриб чиқиш юзасидан якуний таклифларни ишлаб чиқади. Аниқланган бузилишларни ўз вақтида бартараф этилишига муайян техник таркибий ечим бўлмаса, белгиланган таваккал профилининг чегараларига риоя қилинишини таъминлаш мақсадида, мутасадди бўлинма банк раҳбариятига таваккал профилининг максимал чегараларини вақтинча ошириш бўйича мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Мажбурий лимитларнинг “чегара қиймати” бузилиши, Бошқарувнинг ижобий ҳулосаси ва Риск-менеджмент бўлимининг ижобий ёзма ҳулосаси мавжуд бўлган ҳолатдагина, Банк Кузатув кенгашининг мажлисида муҳокама қилинади. Банк Бошқарувининг таваккалчилик кўрсаткичларининг максимал таваккал чегараларини вақтинча оширишга рухсатномаси амал қилиш муддати кўрсатилган ҳолда фақат ёзма равишда тасдиқланади. Банк Бошқарувининг рухсатномасининг нусхаси Риск-менеджмент бўлими томонидан кўриб чиқиш ва назорат қилиш учун Банк Бошқарувига юборилиши керак.

Банк рискларини бошқариш қуйидаги асосий вазифалардан иборат:

Банк бошқарув органлари томонидан қабул қилинган хавф даражаси тўғрисида хабардорликни таъминлаш;

Стратегик мақсадларга эришиш мақсадида банкнинг барқарор ривожланишини таъминлаш ҳамда банкнинг хавф аппетити доирасида операцион вазифаларни амалга ошириш;

Банк томонидан кредиторлар ва мижозлар олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажариш учун банк ўз зиммасига олган хатарларни самарали чеклаш;

Банкнинг стратегик мақсадлари ва вазифаларини амалга оширилишини, шунингдек банкни ривожлантириш учун зарур бўлган капиталнинг етарлилиги ва мақбуллигини ҳисобга олган ҳолда банк капиталининг ўсишини таъминлаш бўйича самарали бошқарувни ташкил этиш;

Хатарларни бошқариш усуллари ва процедураларига ягона стандартлаштирилган ёндашув асосида банкни бошқариш шунингдек такомиллашган элемент сифатида хатарларни бошқариш бўйича яхлит жараёни яратиш;

Банкда рискларни бошқариш бўйича самарали интеграциялашган яхлит тизимни яратиш;

Хатарларни бошқариш тизимини энг яхши халқаро тажриба ва стандартлардан фойдаланган ҳолда Базел II ва Базел III стандартларига мослаштириш;

Хатарларни доимий назорат қилиш бўйича муайян имкониятларни яратиш мақсадида Банкнинг мавжуд хатарлари масаласи юзасизан бизнес мониторингини жорий этиш;

Банк фаолиятидаги таваккалчилик даражаси тўғрисида Банк бошқарув органларини ўз вақтида хабардор қилиш;

Инқирозли вазиятларнинг олдини олиш ва танглик юз берганда банкнинг нормал ишлашини таъминлаш;

Банкнинг барча даражаларида ва барча иш жараёнларида хатарларни бошқариш тизимида комплекс мониторингини ўтказиш.

Комплаенс назорат таркибий бўлинмасы

Банк тизимида Банкнинг Кенгашининг 2017 йил 30 августдаги 51/2017 – сонли Қарори билан тасдиқланган “Жиноят фаолияти, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролларини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари” амал қилади.

Ўзсаноатқурилишбанк тизимида жиноятлардан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролларини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Банк сирлари” ва “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролларини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 12 октябрдаги 272-сонли “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ маълумотларни тақдим этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2017 йил 23 майда 2886-сон билан рўйхатдан ўтказилган. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБда жиноятлардан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши ишларни ташкил этишга масъул бўлим мавжуд. Ўзсаноатқурилишбанк ички назорат тизими банк фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, унинг фаолиятининг асосий йўналишлари, шунингдек, мижозлар базаси ҳамда мижозлар ва уларнинг операциялари билан боғлиқ таваккалчилик даражаси ҳисобга олинган ҳолда ташкил этилади.

Комплаенс тузилмасы

Ўзсаноатқурилишбанк ички назорат тузилмасы (жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш учун) қуйидагиларни ўз ичига олади:

Бош офиснинг ички назорат бўлими ваколатига, шунингдек ҳар бир филиалнинг масъул ходими вазифаларига мижозларни тегишли равишда синчиклаб текшириш, мижозларнинг хавф даражасини аниқлаш ва улар фаолиятларини таҳлил қилиш, бундан ташқари муайян фаолитларни ва ҳисобварақлар айланмасини ўрганиш натижасида аниқланган шубҳали операциялар шунингдек номоён бўлган шахслар рўйхати (“халқаро” ва “миллий” ФТ рўйхати) ахборотлари Махсус ваколатли давлат органига зудлик билан тақдим этиш киради.

Ички назорат хизматининг роли банк соҳасида муҳим аҳамият касб этади. Ички назорат хизмати, активларнинг яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлайди, фирибгарликни ва банк активларини талон-тарож бўлишидан сақлайди ва белгиланган мақсадларга эришиш йўлида раҳбариятнинг хатарларни камайтириш бўйича кўрсатмаларига амал қилади.

Ички назорат хизматининг асосий вазифаси банк бўлинмаларида ички назоратни ташкил этиш ва унинг барча соҳалар бўйича ҳолатини даврий текшириш билан изоҳланади ҳамда маҳаллий қонун ва меъёрий талабларнинг бажарилишини таъминлаш, хатолар хавфини минималлаштириш, хатарларни баҳолаш ва бошқариш, доимий мониторинг ва кундалик равишда банк операцияларини (кредит, бухгалтерия ҳисоби, валюта операциялари), хатарларни баҳолаш жумладан хавфларни камайитириш бўйича назорат чораларини кўриш ҳисобланади.

Ички назорат бўлими Банк Бошқаруви Раисига бўйсунди ва унга ҳисобдордир. Барча муҳим маълумотлар биринчи навбатда Банк Бошқаруви Раиси эътиборига тақдим этилади.

Ходимларни бошқариш

Ходимларни бошқариш тизими нафақат ходимлар учун муносиб меҳнат шароитларини яратишга, балки карьера/мартаба поғонасидан кўтарилиши ва келажакка бўлган ишончини мустаҳкамлаш ҳамда манфаатларини ҳисобга оладиган муносиб тизимни яратишга қаратилган бўлиб, кадрларни танлаб олиш, тўғри тақсимлаш, баҳолаш, захирасини шакллантириш, тайёрлаш, ривожлантириш шунингдек уларни рағбатлантириш орқали мавжуд кадрлар салоҳиятини сақлаш ва юқори самарали жамоани шакллантиришга қаратилган.

2018-2020 йиллар учун ходимлар динамикаси (жадвал)

2018	2019	2020
3693	3902	4052

Ташкилот ичидаги мавжуд хизмат поғонаси бўйича кўтарилиш имкониятлари. Ўқитиш, мотивация тизими.

Карьера поғонасидан кўтарилиши шахснинг касбий ривожланишининг ёрқин намоёнларидан биридир.

Ўзсаноатқурилишбанкда ходимнинг хизмат доирасидаги ривожланиши узоқ муддатли жараён бўлиб, у маълум бир карьера йўналиши бўйича вертикал ўсишга ва карьеранинг ўзгариши билан горизонтал ўсишга йўналтирилиши мумкин.

Банкда истеъдодларни бошқариш доирасида ишчиларнинг мартабалари, одатда энг камида 1 ва 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга режалаштирилган.

Ходим нафақат қисқа ва узоқ муддатли истиқболларини, балки хизматда кўтарилишига ишониш учун қандай кўрсаткичларга эришиши кераклигини ҳам билиши керак. Айнан шу мақсадда мартаба ривожлантириш режаси ишлаб чиқилмоқда. Ушбу режа ходимнинг ўзи томонидан бўлим бошлиғи ва кадрлар бўлими кўмагида тузилади. Режа таркибига профессионал ва психологик курслар ва тренинглардан ўтиш (шу жумладан онлайн шаклда шунингдек Банк қошида ва ташқарисида ташкил этиладиган тадбирлар), зарур адабиётларни ўқиш, кейинги давр учун стратегик мақсадларни белгилаш (1-3 йиллик муддат билан) ва уларга эришиш учун ҳаракатлар режаси киради. Ҳисобот даври натижаларига кўра ушбу режани амалга ошириш давомида эришилган ютуқлар баҳоланади, шу асосда ходимнинг мартаба поғонасидан кўтарилиши тўғрисида қарор қабул қилинади.



Ўқитиш

Кадрларни тайёрлаш ва такомиллаштириш тизими қисқа ва узоқ муддатда меҳнат унумдорлигини ошириш ва керакли иш натижаларига эришишни таъминлаш мақсадида асосий ходимларнинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришга қаратилган; истеъдодлар захирасини ривожлантириш орқали ходимларни мартаба ўсишига тайёрлаш; иш вазифаларини самарали бажариш учун зарур бўлган вазифалар, кўникма ва қобилияларни ўзлаштириш орқали ходимларнинг стресс даражасини пасайтириш; ходимларнинг ўз касбига садоқатини ва Банкдаги иштирокини ошириш; иш берувчи сифатида Банк имиджининг жозибadorлигини кучайтириш.

Аралаш таълим тамойилларини қўллаш, 70-20-10 нисбатларга асосланган кадрларни тайёрлаш ва ривожланишини режалаштиришда асосий пойдевор бўлиб хизмат қилади, хусусан: 10% - расмий машғулотлар, унда синф дарслари, семинарлар, тренинглар, маърузалар, видеофилмлар, веб-семинарлар, онлайн ресурслардан фойдаланиш, ички конференциялар, ички корпоратив кутубхона;


20% - норасмий мунозаралардан, ҳамкасблар билан мулоқотдан, ташқи экспертлар ва маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда мураббийлик қилишдан ва ички ресурслардан, хусусан, ички мураббийлардан, раҳбарлардан мунозаралар пайтида модератор сифатида фойдаланишдан иборат ижтимоий тренинг орқали;

70% - иш жойидаги ўқитиш ва ходимларни мустақил ўқишга рағбатлантириш, муҳим лойиҳаларда иштирок этишини ёки бошқаришини таъминлаш, муаммолар ва вазифаларни ҳал қилиш, лавозимларни алмаштириш, хатолар, муваффақиятсизликлар, иш ҳолатларини таҳлил қилиш каби усуллар ёрдамида амалга оширилиши мумкин.



Мотивация тизими

Мотивация – бу ходимларнинг истакларини эътиборга олган ҳолда компаниянинг мақсадларига эришиш демакдир. Бошқача қилиб айтганда, мотивация:



- бу манфаатдор томонларнинг эҳтиёжларини тўлиқ қондириш учун компания ва ходимнинг мақсадлари ўртасидаги мувозанатга эришиш жараёни;
- бу ходимларни компания мақсадларига эришиш мақсадида ҳаракатларни рағбатлантириш жараёни;
- бу ташкилот ва ходимнинг манфаатларини аниқлаш учун шароит яратишдир, бунда бири учун фойдали ва зарур бўлган нарса бошқасига шунчалик зарур ва фойдали бўлади

Компаниянинг барча ходимлари фақатгина компаниянинг мақсадларини рўёбга чиқариш орқали ходимнинг мақсадларига эришиш мумкинлигини англаб этишлари жуда муҳимдир. Ташкилотнинг фойдаси қўшимча иш ҳақи тўлаш манбаи ҳисобланади. У қисман ходимларни қўшимча мукофотлаш учун ишлатилиши мумкин, шу ўринда, бордию фойда олинмаса, ҳеч кимнинг манфаатлари таъминланмайди. Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларига (бундан буён матнда СМК ёки КРІ деб юритилади) асосланган кадрлар мотивацияси, асосий маош (иш ҳақи) дан фарқли ўлароқ, компаниянинг узоқ муддатли ва қисқа муддатли мақсадларига эришишга қаратилган бўлиб, бу “ходимни иш вазифаларини бажаришга ундайди”. Иш ҳақи – бу қатъий белгиланган ойлик маош ҳисобланади.

СМК / КРІ асосида иш ҳақининг ўзгарувчан қисмини шакллантириш тизими ходимни юқори индивидуал натижаларга эришишга, шунингдек, унинг жамоавий натижалар ва ютуқларга, компаниянинг стратегик мақсадларини бажаришга қўшаётган ҳиссасини оширишга ундайди. Шу билан бирга, СМК / КРІ асосида

иш ҳақининг ўзгарувчан қисмини шакллантириш тизимидаги СМК кўрсаткичлари ходимлар учун жуда содда ва тушунарли бўлиши керак жумладан компенсация пакетининг ўзгарувчан қисмининг ҳажми иқтисодий жиҳатдан асосланган бўлиши зарур.

Бугунги кунда Банкда барқарор ва ўзгарувчан қисмлардан ташкил топган рақобатдош иш ҳақи тизими мавжуд. Белгиланган қисм асосий маошга мувофиқ ҳисобланади. Ўзгарувчан қисм, бўлим бошлиғининг тавсияси асосида мақсадли мукофотларни белгилаш ва унинг ҳақиқий қийматларини ҳисоблаш учун аниқ ва ошкора тамойилларни таъминлайдиган, ходимларнинг иш ҳақини Банк стратегияси, мақсади ва вазифалари билан боғлайдиган мотивация тизими билан ифодаланади. Бундан ташқари, Ўзсаноатқурилишбанк ходимларнинг самарали мотивацияси ва уларнинг белгиланган вазифаларни бажаришга йўналтирилганлигига жиддий эътибор беришга интилади. Фаолиятларни баҳолаш давомида, натижалар ва қабул қилинаётган хатарларни ҳисобга оладиган мувозанатли ёндашувни қўллашга эътибор қаратади.

Трансформация доирасида СМК тизими фаол равишда амалга оширилмоқда. Ушбу тизим бўлимлар раҳбарлари томонидан ўз ходимларининг иш самарадорлигини баҳолаш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб бир қатор кўрсаткичларни ўз ичига олади.

Ушбу тизимни амалга ошириш жараёнида Банк аниқ ва шаффоф мотивация тизимини яратишга интилади: режалаштирилган ва ҳақиқий қийматлар қайд этилганлиги сабабли, менежер ходимни нима учун ва қандай рағбатлантириш кераклиги аниқ билади. Ходим эса, ўз навбатида, топшириқ бажарганлиги натижасида қандай мукофот олишини яхши англайди.

Бунда, асосий мезон тариқасида ўлчовлилик деб ҳисобланади (яъни ўлчовли мақсадларни белгилаш, самарадорлик кўрсаткичлари).

Ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг ўзгарувчан қисми ҳар бир таркибий бўлинманинг белгиланган самарадорлик кўрсаткичларига боғлиқ бўлиб, ойлик, чораклик ёки йиллик бўлиши мумкин.

Кадрлар сиёсати: банк стратегиясига мувофиқлиги

Ходимларни бошқариш сиёсати бу Банк фаолиятида муҳим касб этадиган ишчи гуруҳни шакллантиришга, шунингдек Банкнинг стратегик мақсадларини муваффақиятли амалга ошириш учун саъй-ҳаракатларни ташкил этишга қаратилган йўналишдир. У Банкнинг ривожланиш стратегияси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб бевосита Банкнинг умумий ривожланиш стратегиясига киритилган ўзгаришларга қараб мутаносиб равишда ўзгаради. Ушбу узвий муносабатлар кадрлар стратегиясида акс эттирилган бўлиб, у қуйидагиларга қаратилган:

кадрларнинг шаклланишини ҳисобга олган ҳолда малакали ходимларни танлаш, хусусан, ходимларга қўйиладиган талабларни аниқлаш (масалан, барча лавозимлар учун ваколат моделларини ишлаб чиқиш, ушбу талабларга жавоб берадиган ходимларни жалб қилиш, шунингдек потенциал номзодлар базасини шакллантириш, лойиҳа гуруҳларини жалб қилиш);

Банкнинг жорий эҳтиёжлари ва ходимларнинг қобилиятларига мувофиқ кадрларни лавозимга қўтариш; фаолиятнинг асосий кўрсаткичларига биноан иш фаолиятини мунтазам баҳолаш тизимини яратиш ва жорий этиш, ушбу тизим асосида ходимлар тўғрисида қарор қабул қилиш;

меҳнат унумдорлигини оширишга, ходимларнинг талаб қилинадиган компетенциялари ва шахсий хусусиятларини ривожлантиришга (шу жумладан етакчилик, натижадорликка йўналтирилган ҳиссиётни ошириш, доимий ўзгаришларга нисбатан самарали мослашиш қобилиятини сингдириш), ички мураббийларнинг штат бирликларини жорий этиш имконияти билан ўзининг ўқув марказини барпо этиш; ходимларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган мотивация тизимига асосланган иш ҳақи тизимини ишлаб чиқиш;

ички мотивацияни амалга оширишга ва ходимларнинг Банк фаолиятига жалб қилинишини таъминлашга қаратилган моддий ва моддий бўлмаган рағбатлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш. Банкнинг миссияси ва ходимларнинг мақсадлари ўртасидаги мувозанатни таъминлаш, ходимларни ўз салоҳиятини тўла рўёбга чиқаришга ва янгиликларни жорий этишга ундаш (шу жумладан уларга ижтимоий қафолатлар ва имтиёзлар бериш орқали);

кадрларни жалб қилиш, Банкнинг стратегик қадриятларини кундалик ишларга татбиқ этиш, иш берувчининг ижобий имиджини яратиш, шунингдек, жамоани шакллантириш мақсадида ички алоқа тизимини таъсис этиш;

банкда “ички мижоз” образини шакллантириш;

менежерларда ва оддий ходимларда етакчилик ваколатларини ривожлантириш.

Жорий давр учун белгиланган мақсадлар

- бутун Банк учун самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлар тизимини (СМК) ишлаб чиқиш ва босқичма-босқич амалга ошириш орқали ходимларни моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш;
- вакансиялар ва номзодлар билан ишлаш бўйича ягона платформани ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали кадрларни танлаш тизимини такомиллаштириш;
- номзодлар ва ходимларни баҳолаш тизимини такомиллаштириш, хусусан, жараённинг шаффофлиги ва холислигини таъминлайдиган, номзодлар ва ходимларнинг потенциали ва билимларини инсон омили иштирокисиз баҳолашга имкон берадиган автоматлаштирилган платформани татбиқ этиш;
- ходимларни ривожлантириш тизимини такомиллаштириш:

500 дан ортиқ ходимни қамраб олувчи “Филиаллардан бош офисгача амалиёт” лойиҳасини давом эттириш; Ходимларни Банкда амалга оширилаётган трансформация жараёнлари, янги маҳсулотлари ва бизнес соҳасидаги бўлаётган ўзгаришлар тўғрисида ўз вақтида бохабар қилиш мақсадида “Friday talks” лойиҳасини таъсис этиш, бу эса ходимларга ўзларини қизиқтирган саволлари кўлами бўйича бевосита Бошқарув Раиси ўринбосарлари ва бўлим директорларига мурожаат этиш имкониятини беради;

Бош офис ва филиалларнинг ходимларини хорижга ўқиш учун йўллаш;

халқаро банк, молия институтлари ва хорижий шерик ташкилотлари мутахассислари томонидан 1000 нафар ходимлар учун ўқитишни ташкил этиш;

Халқаро молия институтлари ва банклари шунингдек хорижий шерик ташкилотлар мутахассислари иштирокида таълим майдончасини татбиқ этиш (1000 ўрин) орқали ХМИ мураббийлари ва экспертларини таклиф этиш;

Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг (RSBP-CA) онлайн платформасида ходимларни ўқитиш дастури доирасида ишни давом эттириш;

ушбу лойиҳада иштирокни таъминлаш мақсадида Бош офис ва филиаллардан 120 нафар аёлни жалб қилиш ва “SQB Ladies’ club” лойиҳасининг учинчи сессиясини бошлаш;

рахбарият кўникмаларини, танқидий фикрлашни, доимий ўқиш қобилиятини ривожлантириш (доимий ўрганиш / таълим, вақтни бошқариш, мулоқот қилиш қобилияти (музокара ўтказиш, ишонтириш ва баҳслашиш, жамоада ишлаш, мижоз учун ишлаш), стресс ва ҳиссиётларни бошқариш (хушмуомалалик ва дипломатия маҳорати), стратегик режалаштириш, ўзгаришларни бошқариш;

етақчилик кўникмаларини, танқидий фикрлашни ривожлантириш, мустақил ўқиб билим орттириш қобилиятини шакллантириш мақсадида, Бошқарма ва филиаллар менежерлари ўртасида бевосита бўлинма бошлиғи ва ундан юқори бўлган мансабдор шахслардан бошлаб “Soft Skills”ни ривожлантириш лойиҳасини йўлга қўйиш, жумладан доимий ўқиш (узлуксиз таълим олиш, тайм-менеджмент, муносабатлар ўрнатиш кўникмалари (музокара ўтказиш маҳорати, кўндирати олиш маҳорати, жамоада ишлаш, мижоз учун ишлаш), стрессни бошқариш, ҳиссиётларни бошқариш (хушмуомалалик ва дипломатия қобилиятлари), стратегик режалаштириш, ўзгаришларни бошқариш;

- ходимларни ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш мақсадида Банк Ўқув марказини барпо этиш;
- кадрлар бўйича шерикларнинг HR институтини Бош офисда, шунингдек Бухоро филиалида кадрлар бўлими ходимлари томонидан бажарадиган вазифаларни оптималлаштириш ҳисобига, қайта тайёрлаш ва умумлаштириш йўли билан жорий этиш;
- “Кайдзен teams – жамоалари” лойиҳасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳисобидан ходимларнинг иштирокини ва садоқатини ошириш, бу эса қуйидагиларни назарда тутди:

ходимлар орасида “Банк истеъдодлари” ташаббус гуруҳларини яратиш;
танланган ходимлар орасида ихтисослашган дастур бўйича ишбилармонлик кўникмаларини ривожлантириш;
ушбу ташаббускор гуруҳларни стратегик вазифалар ва муаммоларни бартараф этиш жараёнида иштирокини таъминлаш мақсадида (Кайдзен events) тадбирларини ташкиллаштириш;

- иш куни давомида “Иш жойида гимнастика” тизимини жорий этиш йўли билан стресс даражасини пасайтириш каби тадбирларни амалга ошириш ва шу орқали “Соғлом ходим – бахтли мижоз” лойиҳасини амалга ошириш;
- бизнес-жараёнларни такомиллаштириш, шунингдек, ходимларни бошқариш жараёнларини автоматлаштириш бўйича ишларни якунлаш.

2020 йил давомида эришилган натижалар

Ходимларни бошқариш, янги ходимларни ишга қабул қилиш, ҳам номзодлар, ҳам ходимларнинг ваколатлари ва салоҳиятини баҳолаш, истеъдодларни бошқариш, стратегик муҳим кадрлар захирасини шакллантириш каби замонавий халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда ишларни тизимлаштирдик. асосий лавозимлар, шунингдек келажақдаги этакчиларни тайёрлаш, иш берувчининг нуқтаи назаридан Банкнинг бренд стратегиясини шакллантириш, ички алоқалар даражасини ошириш, шунингдек, жалб қилиш, Банкга содиқлик ва ишдан қониқиш.

Кадрлар менежменти бўйича ишлар янги қабул қилинган ходимларнинг мослашуви, номзодлар ва ходимларнинг ваколатлари, шунингдек салоҳиятини баҳолаш, истеъдодларни бошқариш, кадрлар захирасини шакллантириш ҳамда кадрларни танлаш жараёнлари жумладан стратегик муҳим лавозимлар, бўлажак менежерларни тайёрлаш, Банкнинг бренд стратегиясини шакллантириш, ички алоқалар даражасини ошириш, Банкга содиқлик ва ишдан қониқиш каби масалалар замонавий халқаро стандартларга мувофиқ тизимлаштирилди.

Вазифаларни самарали бажаришда ва режалаштирилган натижаларга эришишда ваколатларнинг мавжудлиги ёки аксинча йўқлиги муҳим рол ўйнайди. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, кадрлар билан ишлашнинг барча босқичларида, ишга қабул қилиш пайтидан бошлаб истеъдодларни бошқариш жараёнига қадар ваколатлар билан ишлашни таъминладик. Хусусан, банк томонидан ходимларимиз учун жуда муҳим бўлган 11 ваколатлардан иборат корпоратив ваколат модели ишлаб чиқилди. Ушбу модел асосида ходимларимизнинг ўсиш зоналарини хизматда кўтарилиш дастури доирасида

янада ривожлантириш мақсадида (горизонтал ва вертикал) баҳолаймиз.

Шу нуқтаи назардан, ходимларимизнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўналиш тизимлаштирилган бўлиб ўз ичига турли лойиҳаларни олади, масалан:

- 20 та бўлим директорларини ўз соҳаларидаги бизнес жараёнларини ўрганиш, камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича тезкор қарорлар қабул қилиш учун филиалларга юбориш лойиҳаси;
- “Филиаллардан бош офисгача амалиёт” лойиҳасига мувофиқ 137 нафар иштирокчи танлаб олинган;
- ходимлар орасида гендер тенглигини таъминлаш бўйича “SQB Ladies' club” лойиҳасининг иккинчи сессияси кесимида 45 филиалдан 70 нафар раҳбарият лавозимидаги аёл ходимлар танлаб олинди;

• ходимларнинг мустақил ривожланиши ва малакасини ошириш бўйича иш олиб бориш, бунинг натижасида 12 йўналиш бўйича 3532 ходим RSBP ўқиш дастури доирасида сертификат ва гувоҳномаларга эга бўлишди; Бизнинг устувор вазифаларимиздан бири сифатида замонавий талабларга жавоб берадиган иш жараёнини жорий этишдир. Ушбу йўналишда жараёнларни автоматлаштиришга, шунингдек, қўл меҳнати даражасини пасайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ишга қабул қилиш учун ариза тузилган пайтдан бошлаб ишга қабул қилиш учун номзодга таклифнома (оффера) юборишгача тизим автоматлаштирилган. “Электрон воситачи” дастури ишлаб чиқилди ва ишга туширилди, бу эса номзодларни қабул қилиш ва уларни Банк филиалларига кўчириш давомида кўриб чиқиш жараёнини автоматлаштиришга имкон берди. Ушбу ташаббуслар юқоридаги жараёнларни такомиллаштирди жумладан тезкор равишда муносабат билдиришига ва сарфланадиган вақтни ўртача 40%га қисқартирди. Банк ўз ходимларимизга ғамхўрлик қилади, шунинг учун моддий рағбатлантириш билан бир қаторда номоддий рағбатлантириш тизимини жорий этилди. Ушбу тизим доирасида барча кадрларни жалб қилишга имкон берадиган йирик лойиҳаларни йўлга қойдик, масалан:

- раҳбарият ва ходимларнинг норасмий учрашувлари “Галстукларсиз учрашувлар”;
- “SQB Zakovat” интеллектуал ўйини;
- ходимлар ва уларнинг фарзандлари ўртасида “Book challenge”, расмлар танлови, шеърлар танлови, ҳафта охири олимпиадалари каби мавзули танловлар;
- профессионал психологлар ва мотиваторлардан бир қатор психологик тренинглар.

Ходимларнинг фаоллиги ва садоқати даражасини ўлчаш мақсадида кенг кўламли сўров ўтказилди, унда 2700 дан ортиқ ходимлар иштирок этди. Ушбу сўровнома натижаларига кўра SQBда ишчиларнинг ўртача қониқиш кўрсаткичи 82%ни ташкил этди.

Амалга оширилган барча чора-тадбирлар туфайли кадрлар қўнимсизлигини 0,5%га қисқартиришга муваффақ бўлинди (кадрлар қўнимсизлиги кўрстакчи 2019 йил ҳолатига 8,3%, 2020 йилда – 7,8% ташкил этди).

Ташқи алоқа каналлари аниқланди. Энг оммабоп интернет тармоқлари орасидан LinkedIn, Facebook, Telegram, Instagram каби ижтимоий тармоқлар сараланиб олинди. Саҳифаларимизда нашр этилган контент туфайли 8000 дан ортиқ обуначилар йиғилишига муваффақ бўлинди. Масалан, биргина SQBда меҳнат фаолиятини олиб бориш мавзусига бағишланиб олинган видеоролик, дастлабки 4 кун давомида ижтимоий тармоқлардаги Ходимларни бошқариш Веб-саҳифасига 57000дан ортиқ қизиқувчиларни ўзига жалб этди.

Иш берувчи сифатида Банкнинг бренд таниқлигини ошириш бўйича бир-қатор чора-тадбирлар амалга оширилгани натижасида эълон қилинган бўш иш ўринларига нисбатан билдирилган муносабатлар сони ортди (ўртача ҳар бир бўш иш жойига 100 та жавоб, шундан 50% тегишли номзодлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1% ташкид этди).

Ҳазначилик департаменти

Ҳазначилик департаменти қуйидаги операцияларни амалга оширади:

- депозитларни банклараро бозорга жалб қилиш ва жойлаштириш;
- депозитларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига жойлаштириш;
- юридик шахслар учун қаттиқ валютадан қаттиқ валютага ўтказиш операциялари;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан, шунингдек мижозлар билан СВОП операциялари;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан РЕПО операциялари;
- Банк номидан фонд биржасида валюта сотиб олиш / сотиш;
- давлат қимматли қоғозларига инвестициялар

Ҳазначилик департаменти банкноталар ва депозит операциялари бўйича маҳаллий ва хорижий банклар билан яқиндан ҳамкорлик қилади. Бундан ташқари, Марказий банк билан депозит, РЕПО ва бошқа операциялар бўйича фаолият олиб боради.

Асосий фарқлар: маҳсулотлар, мижозлар ва бизнес жараёнлар

Барқарор ресурс, капитал базаси мавжудлиги Ўзсаноатқурилишбанкга банклараро бозорларда, шунингдек муайян платформалар орқали давлат қимматли қоғозларини сотиб олиш юзасидан ташкиллаштирилган ким ошди савдоларида фаол иштирок этишга имкон беради. Шу билан бирга, Банк сотиб олган давлат қимматли қоғозлари ҳажми бўйича республика тижорат банклари орасида етакчи ўринни эгаллайди.

Асосий миссия – 2020 ва Банк стратегияси

Ҳазначилик департаменти томонидан 2020 йил учун қуйидаги мақсадлар белгиланиб олинди:

- аҳолидан депозитларни жалб қилиш, шунингдек қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш орқали банкнинг ресурс базасини кўпайтириш;
- ликвидлик буферини самарали бошқариш ҳисобига банк рентабеллигини ошириш;
- Банкнинг ликвидлиги ва капиталини бошқариш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган мажбурий стандартларга риоя қилиш.

2020 йил охирида департамент ўз фаолияти доирасида маҳсулотлар бўйича қуйидаги молиявий натижаларга эришди:

- Марказий банкка жойлаштирилган депозитлардан олинган даромад - 8 279,7 миллион сўм;
- бошқа банкларга жойлаштирилган депозитлардан олинган даромад - 109 726,7 миллион сўм;
- Қимматли қоғозлар бўйича фоизли даромад - 116 092,0 миллион сўм;
- СПОТ операцияларидан олинган даромад - 290 164,4 миллион сўм.

2020 йилда бизнес бўлинмасининг асосий ютуқлари

- банкнинг чиқарилган ва жойлаштирилган қимматли қоғозлари режаси 112,8%га бажарилди;
- банк депозит базаси режаси 139,9%га бажарилди;
- банклараро бозорда маблағларни жойлаштиришдан олинган даромадлар режаси 105,4%га бажарилди;
- давлат қимматли қоғозларини сотиб олишдан олинган даромад режаси 234,8%га бажарилди.

2020 йилнинг асосий ташаббуслари ва лойиҳалари

Банкни трансформация жараёни доирасида, 2020 йил охирида ХМК ва ЕТТБ томонидан Ўзсаноатқурилишбанк бўйича комплекс текширув (Due diligence) ўтказилди ва натижада Ҳазначилик блокини ўзгартириш мақсадида халқаро маслаҳатчилар, шу жумладан KPMG экспертлари жалб қилинди. Ушбу ташаббус Банкда “Ҳазначилик ва актив ва пасивларни бошқариш тартибларини такомиллаштириш лойиҳаси”га техник кўмак кўрсатишни назарда тутди. Ҳазначилик департаментининг трансформацияси доирасида KPMG мутахассислари ёрдамида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

- Ҳазначиликни янада такомиллаштириш мақсадида KPMG билан йўл харитаси тасдиқланди;
- Ҳазначилик бошқармасининг ички тузилмаси янгиланди, Ҳазначилик бошқармаси тўғрисидаги Низом янги таҳрирда тасдиқланди;
- Банк бўлимлари ўртасида функцияларни қайта тақсимлаш бўйича банк ичидаги режа ишлаб чиқилди, шу ўринда хос бўлмаган фаолиятлар Банкнинг бошқа бўлимларига ўтказилди;
- АПБҚ регламентининг янги таҳрири ишлаб чиқилди ва Банк Кенгаши йиғилишида тасдиқланди;
- Трансфер нархларини ўрганиш жараёни бошланди ва ушбу жараён ҳозирда фаол босқичда турибти.

2021 йил учун белгиланган мақсадлар

- баланс тузилишини бошқариш, актив ва пасивларни бошқариш самарадорлигини ошириш тартиби ва методикасини ишлаб чиқиш;
 - пул оқимларини бошқариш, ликвидлик учун мақсадли тизимни ишлаб чиқиш;
 - ликвидлик кўрсаткичлари, фоизлар ва бозор хатарларини прогнозлаш моделларини ишлаб чиқиш;
 - молиялаштиришни режалаштириш, пасив қисмини диверсификация қилиш, индивидуал воситалар концентрацияси хавфига риоя қилиш методологиясини ва жараёнларини ишлаб чиқиш;
 - пул оқимларини моделлаштириш, баланс активлари ва пасивларининг фоиз ставкалари даражасининг ўзгаришига сезгирлигини баҳолаш усуллари ва моделларини ишлаб чиқиш;
 - Трансферт нархини белгиланиши: банк маҳсулотларига трансферт нархлари моделларини ишлаб чиқиш.
- Шунингдек, 2021 йилгача департамент қуйидаги молиявий натижаларга эришишни мақсад қилиб қўйган:
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида жойлаштирилган депозитлар бўйича даромадлар - 10 764,0 миллион сўм;
 - бошқа банкларга жойлаштирилган депозитлар бўйича даромадлар - 128 852,0 миллион сўм;
 - Қимматли қоғозлар бўйича фоизли даромад - 125 910,0 миллион сўм;
 - СПОТ операцияларидан олинadиган даромад - 172 819,0 миллион сўм.

Маҳсулотлар ва жараёнлардаги инновацион ечимлар: Банкнинг 2021 йилдаги молиявий натижалари

Ғазначилик фаолиятида олиб борилаётган трансформация шу жумладан трансферт нархларини жорий этиш, актив ва пасивларни самарали бошқариш, пул оқимларини моделлаштириш Банкнинг якуний молиявий натижаларига сезиларли даражада таъсир кўрсатиши мумкин. Шу билан бирга, ҳар бир маҳсулотни ишлаб чиқишда унинг трансферт компоненти ҳисобга олинади, зеро бу рентабеллиги ошишига, шунингдек, бўш маблағларни фойдали активларга самарали жойлаштирилишига хизмат қилади. Департамент банклараро депозитларга жойлаштириладиган ҳажмни оширишни жумладан маҳаллий ва хорижий банклар билан овернайт операцияларини жаддалаштиришни мўлжалламоқда, шунингдек савдо сессияларида доимий иштирок этиш орқали давлат қимматли қўғозлари портфелини кўпайтириш бўйича ишларни фаол давом эттиришни кўзламоқда.

Корпоратив бизнес блоки

Корпоратив бизнес департаменти кредитнинг мақсадини ҳисобга олган ҳолда мижоз лойиҳасининг турли йўналишларини молиялаштириш учун бир нечта банк маҳсулотларини ишлаб чиқди.

1. “Working capital” - айланма маблағларни тўлдириш учун.
2. “Salary” - иш ҳақи тўловлари учун
3. “Development” - фаолиятни ташкил этиш ва кенгайтириш мақсадида асосий воситаларни, махсус техника, ускуналарни сотиб олиш учун
4. “Конткоррент” - товар ҳамда хизматларни тўлаш шунингдек, солиқларни ва ишчиларга даромадларни тўлаш учун
5. “Global Limit” - кредит лимити доирасида банкда мавжуд бўлган кредит маҳсулотларидан фойдаланиш
6. “Green loan” - Энергия самарадорлигини ошириш, қайта тикланадиган энергия манбаларини ишлаб чиқариш, экологик транспорт воситаларини ишлаб чиқариш ва сотиб олиш, мавжуд биноларга энергия тежайдиган ўзгартиришлар, чиқиндиларни камайитириш ва қайта ишлаш, сувдан оқилона фойдаланиш, энергия харажатларини молиялаштириш ва бошқа “яшил” лойиҳаларни молиялаштириш
7. “Синдикатланган кредит” - инвестиция лойиҳаси доирасида харажатларни молиялаштириш

Бизнес-маҳсулотларнинг позицияси ва бозорда тақдим этиладиган хизматлар: мақсадли мижозлар

Бизнинг мақсадли мижозларимиз сифатида – йиллик даромади 100 миллиард сўмга тенг тушумга эга бўлган корпоратив мижозлар ва уларнинг кичик ва ўрта бизнес сегментидаги таъминотчилари, шунингдек уларнинг ходимлари ҳисобланади. Буларга асосан нефт-газ, кимё, энергетика, қурилиш, транспорт ва металлургия саноат тармоқларининг корхоналари киради. Банк маҳсулотлари корпоратив мижозларга кредитнинг мақсадини ҳисобга олган ҳолда тақдим этилади. Relationship Manager харидорга ушбу маҳсулотлар хусусида ахборот тақдим этади. Ходимлар томонидан жорий банк маҳсулотлари бўйича тақдимотлар ўтказилади. Шу сабабли, янги банк маҳсулотларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Банк томонидан корпоратив мижозларни жалб қилиш бўйича ишлар олиб бормоқда.

Афзалликлари ва ўзига хос хусусиятлари

Бозорда бизнинг банкимизнинг бошқа банкларга нисбатан асосий афзалликлари, биринчи навбатда, ҳам йирик, ҳам йирик лойиҳаларни молиялаштиришга имкон берадиган капиталнинг миқдори, мижозга йўналтирилган сиёсатни амалга оширишга имкон берадиган хизматнинг мослашувчанлиги, мавжудлигидир. Банкни бошқа молия институтларидан ажратиб турадиган асосий устунлиги бу унинг капитал ҳажми билан ифодаланади, бу эса ўз навбатида тақдим этилаётган хизматларнинг мослашувчанлиги туфайли йирик ва кенг кўламли лойиҳаларни молиялаштиришга ҳамда мижозларга йўналтирилган сифатли сиёсатни олиб боришга имкон беради. Банкда салмоқли хорижий кредит линиялари базаси мавжуд бўлиб, мижозларга нисбатан арзон бўлган кредитларни олишга имкон беради. Банк маҳсулотлари жиҳатидан ПСБ лойиҳавий, корпоратив ва савдо молиялаштириш билан бир қаторда синдикатлашган кредитлаш хизматларини тақдим этишнинг афзалликларига эга. Бундан ташқари, банк маҳсулотлари кесимида “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ лойиҳавий, корпоратив ва савдони молиялаштириш билан бир қаторда синдициялаштирилган кредитлаш йўналишида хизматлар кўрсатиш бўйича устунлик қилади. Банкнинг рақобатбардошлиги йирик саноат тармоқлари таркибидан иборат топган бўлиб кучли мижозлар базаси мавжудлиги билан намоён бўлади.

Департаментнинг 2020 йилдаги асосий мақсадларидан бири бўлиб Банкда амалга оширилаётган трансформация жараёнларини яқунлаш ва янги тизимни тўлиқ татбиқ этишдан иборат эди. Шу билан бирга, Банкнинг кредит портфелини янги корпоратив мижозлар билан тўлдириш ва банк даромадларини кўпайтириш департаментнинг 2020 йилдаги вазифалари қаторига киритилганди.

2020 йилда эришилган натижалар

2020 йилга келиб корпоратив бизнес бўлимига бир қатор ўзгаришлар жорий этилди. Аввалам бор, банкдаги трансформация ишлари яқунланди ва бўлим тузилмасига ўзгартиришлар киритилди. Департамент таркибида “Relationship Manager” лавозим бирлиги таъсис этилди, Банкнинг СМК тизими тўлиқ татбиқ этилиб, қисман автоматлаштирилди. Мижозларни таҳлил қилиш ва фаол иш олиб бориш мақсадида “Client Plan” модели ишлаб чиқилди. 100та энг муносиб банк мижозларига йўналтирилган режа ишлаб чиқилди. Корпоратив мижозларга 19та янги банк маҳсулотлари тақдим этилди. Таркибий молиялаштириш бўлими ташкил этилди ва янги ходимлар жалб қилинди.

Департаментнинг асосий ташаббуси, биринчи навбатда, “Covid-19” пандемияси даврида юз берган иқтисодий инқирозга қарамай, банк даромадларида бўлимнинг улушини ошириш эди. Департаментнинг асосий устувор йўналишларидан бири бу йирик лойиҳаларни давлат даражасида молиялаштириш бўлган.

2021 йилда бир нечта банк маҳсулотларида ўзгаришлар юз берди. “Green loan” маҳсулоти “Corporate green loan” ва “Corporate green Investment loan” маҳсулотларининг уйғунлаштириш натижасида ишлаб чиқилди бу эса ўз навбатида mijozlarга ушбу маҳсулот орқали миллий ва хорижий валютада кредит олиш имкониятини беради.

Mijozlarнинг эҳтиёжларини ўрганиш давомида асосан банкнинг кредит, умумий хизмат кўрстиш доирасидаги янги маҳсулотларга нисбатан талаб мавжудлиги аниқланди. Хусусан, йил бошидан буён аккредитивни молиялаштиришдан импорт шартномалари ва таъминот занжирини молиялаштириш бўйича аванс тўловларига талабнинг кескин ўсиши кузатилмоқда бу эса хорижий банклар билан олиб борилган музокаралар ва келишувлар натижасида амалга оширилди. 2021 йилда департамент корпоратив mijozlarга тезкор хизмат кўрсатишни ва mijozlarга кўпроқ қулайликлар яратишни мақсад қилган. Янги банк маҳсулотлари ва янги корпоратив пакетларни жорий этиш орқали даромадларни кўпайтириш режалаштирилган. Ходимларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида СМК тизими жорий қилинади ва ишлаб чиқариш қувватлари яратилади.

Операцион самарадорлигини ошириш

Корпоратив бизнесдаги даромадларнинг ўсиши потенциал инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва банкнинг асосан транзакцион банк операцияларидан фойдасиз даромадларини кўпайтириш ҳисобига режалаштирилган. Корпоратив mijozlarга кредит бериш консерватив усулда амалга оширилади, асосан стратегик ва иқтисодий аҳамиятга эга кредитларни молиялаштиради, шунингдек қайтарилган кредитлар орқали маблағлаштирилади.

Кичик ва ўрта бизнес блоки

Кичик ва ўрта бизнес департаменти бугунги кунда кредитлар, депозитлар, ҳисоб-китоб хизматлари, банк кафолатлари, факторинг, масофавий банк хизматлари (МБХ) каби маҳсулотларни таклиф этади. Ушбу маҳсулотларни тарғиб қилиш юзасидан департамент томонидан муайян ишлар олиб борилмоқда хусусан улар оммавий ахборот воситаларида, баннер ташқи рекламаларида, веб-сайтларда ва ижтимоий тармоқларда реклама қилиниб келмоқда. Республика молия институтлари орасида Банк яхши жозибадорлиги, ишончлилиги, қулайлиги ва хизмат кўрсатиш сифати билан ажралиб туради.

2020 йилги мақсадлар ва банк стратегияси

Янги бизнес модели ва стратегиясини ишлаб чиқиш зарурати туфайли Банк бугунги кунда фаол равишда юқори технологияли компанияга трансформация қилинмоқда. Натижада, ХМК мутахассислари иштирокида кредитлаш жараёнида туб ўзгаришлар юз берди, бу эса ўз навбатида кредитлар бериш вақтини сезиларли даражада оптималлаштиришга имкон берди ва шу билан бирга кредит рискларини бошқариш тизимларининг самарадорлигини таъминлади шунингдек, бизнес йўналишларни, ўз mijozlarига энг яхши хизматларни таклиф этиш ва ўзгарувчан банк бозорида шубҳасиз рақобатбардош устунликларни таъминлаш юзасидан, банк рентабеллигини кўтариш ва бозор улушини ошириш доирасида самарали асос бўлишига имкон берадиган янги бизнес модели ва жараёнларини тақдим этиш.

Бундан ташқари, хусусан:

1. Банк трансформация жараёни якунланди ва бўлим тузилмасига янги ўзгаришлар киритилди;
2. Департамент негизида таркибий молиялаштириш ва бўлими ташкил этилди ва янги ходимлар жалб қилинди;
3. 24 дан ортиқ янги банк кредит маҳсулотлари ишлаб чиқилди

Хорижий кредит линияларини жалб қилиш орқали иқтисодиётнинг устувор тармоқларида йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш имкониятлари кенгайтирилди. Банк хизматлари сифати ва самарадорлигини ошириш, аҳолига чакана банк хизматларини кўрсатиш тизимини ривожлантириш, шунингдек кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига молиявий маслаҳатлар бериш ҳамда ахборот кўмагини кўрсатиш мақсадида инновацион банк маҳсулотларини жорий этиш жараёнлари жадаллаштирилди. Кредит сиёсатининг асосий мақсади акциядорларга фаол операциялардан юқори даромад олишни таъминлаш, банк ликвидлигини етарли даражада ушлаб туриш, таваккалчиликни диверсификация қилиш, процедураларнинг бир хиллигини ўрнатиш ва кафолатлаш, қонунлар ҳамда қоидаларга риоя қилишдир. Кичик ва ўрта бизнес учун 26та кредит маҳсулоти жорий этилди. Ушбу маҳсулотлар корхонанинг молиявий ҳолати, унинг шаклланиши шунингдек, пул тушумлари билан белгиланади.

Мижозларнинг эҳтиёж эгри чизиғидаги ўзгаришлар

Мижозлар томонидан мавжуд кредит маҳсулотлари ва ставкаларини ўзгартириш бўйича мурожаатлар йўлланмоқда. Қабул қилинган аризалар кўриб чиқилади ва корхона мурожаатига мувофиқ банк томонидан бириктирилган ходим томонидан текширилади ва шу йўсинда мижоз учун максимал қулайлик яратилади.

Таъкидлаш лозимки, 2020 йилда коронавирус пандемияси мавжуд бизнес йўналишларга катта талофат етказди. Кредит олган тадбиркорлар кредит маблағларини қайтаришда муаммоларга дуч келишди, шу ўринда кредитлар барча тайёр хўжалик юритувчи субъектларига олдиндан берилганига қарамай, маҳсулотлар экспорт қилувчи ташкилотлар томонидан олиб кетилмаган.

2021 йил учун белгиланган асосий вазифалар

2021 йилда кичик ва ўрта бизнес бўлими учун режалар белгиланади. Ушбу режалар мижозлар базаси, шу жумладан фаол мижозлар улуши ҳамда депозит базасини кўпайтириш, шунингдек масофавий банк хизматларини кенг тарғиб қилишни ва инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришни назарда тутди.

2021 йилда кичик ва ўрта бизнес учун кредит маҳсулотлари сони 26-тадан 11-тагача камайтиради. 11та кредит маҳсулотлари бўйича соддалаштирилган тизим таъсис этилади, тарифлар ва хизматлар эса мижозлар эҳтиёжидан келиб чиқиб белгиланади. Бошқа банклардан жалб қилинган мижозлар ҳисобига операциялар ва мавжуд портфелнинг унумдорлигини ошириш кутилмоқда. Шу муносабат билан, Банк томонидан энг қулай хизматлар тақдим этилмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, 2020 йилда муаммоли кредитлар сирасига иссиқхоналар, логистика компаниялари шунингдек, қурилиш тармоғи ва бошқа соҳаларда олиб борилган лойиҳалар кирди.

«Грин Бэнкинг» блоки

“Corporate Green Loan” (корпоратив мижозлар учун), “SME Green Loan” (КЎБ мижозларига) ва “Green Mortgage” (чакана мижозларига) Green банкиннинг асосий маҳсулотлари ҳисобланади. Ушбу маҳсулотлар банкиннг бизнес сегментлари (корпоратив, КЎБ ва чакана бизнес) орқали сотилади.

2020 йилда эришилган мақсадлар

Банкда ушбу маҳсулотларнинг мавжудлиги бошқа банкларга нисбатан хос хусусияти ва устунлиги сифатида тан олинади.

Банк стратегиясида яшил молиялаштириш масалалари назарда тутилганлиги сабабли, ўтган йилнинг режасига мувофиқ ижтимоий ва атроф-муҳитни бошқариш тизимининг (ИАБ ва СР) сиёсатини ва тартибларни ишлаб чиқиш белгиланган эди. Стратегик режаларга мувофиқ, бажарилган вазифалар нуқтаи назаридан 2020 йил Банк учун жуда муваффақиятли бўлди. Департамент томонидан танлов асосида эколог ва техник мутахассис ёлланди, ИАБ ва СР сиёсати ва тартиби ишлаб чиқилди, яшил молиявий маҳсулотлар тақдим этилди, кредит сиёсати ва кредит бериш қоидаларига ўзгартиришлар киритилди, Бош офис ва минтақавий ходимлар учун тренинглар ҳамда “Green Banking” доирасида бир-қатор тадбирлар ташкиллаштирилди. Хусусан, 2021 йилга мўлжалланган яшил маҳсулотларнинг маркетинг стратегияси шунингдек, брендни ривожлантириш ишлаб чиқилди.

2020 йилда эришилган мақсадлар чакана бизнес департаментининг 2020 йилдаги асосий вазифаларидан бири бўлиб мижозларга масофадан хизмат кўрсатиш масалаларини илгари суриш деб белгиланганди.

Шуни таъкидлаш лозимки, амалга оширилган ишларнинг натижалари бўйича мобил дастур орқали умумий ҳажмнинг фоизига нисбатан қуйидаги операциялар амалга оширилди:

- кредит маҳсулотлари бўйича – 40%;
- омонат операциялари бўйича – 18%;
- коммунал ва солиқ тўловлари бўйича – 54%;
- хорижий валютасини сотиб олиш бўйича операциялар бўйича - 30%

Шу жиҳатдан, халқаро пул ўтказмалари ҳам, масофавий платформаларга жумладан (cash to card) “Western Union” ва “Золотая Корона” мобил иловалари тизимларига ўтказилмоқда.

Хусусан, мавжуд имкониятлар ва устунликларни назарда тутган ҳолда, чакана ва корпоратив мижозларнинг иш ҳақи лойиҳалари ҳисобига шаклланган мижозларни қамраб олиш юзасидан вазифа юклатилди шунингдек савдо нуқталари тармоғини жорий этиш бўйича масаласи қўйилди.

